



MILLIY TIKLANISH

14 (127)

2011 йил 13 апрель, чоршанба

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Обод маҳалла — юрт кўрки

Мустақиллик шарофати билан шаҳар ва қишлоқларимиз тобора чирой очиб бормоқда. Шаҳару қишлоқларимизда қад ростлаётган муҳташам замонавий ва хушбичим бинолар, олий ўқув юрлари, коллеж, мактаб, мактабгача таълим муассасалари, кенг кўчалар, маҳалла ёки кўча юзидан қурилган дўконлар, маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари кўз ва дилларни қувнатади, гурур бағишлайди.



Нақшларда ҳаёт жилоси

Учкўприк тумани Йилгиззор қишлоғида туғилиб вояга етган Исролжон ўз ижодида исломий нақшларнинг, новда, печакгул, ойгул, барг-ғунча ва тўғри чизиқли шаклларида кенг фойдаланади. Исролжоннинг мақсади Кўқон ёғоч ўймакорлик мактаби анъаналарини тиклаш, янада ривожлантириш ва шогирдлар тайёрлашдир.



Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривож

Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги турли соҳаларда, айниқса, иқтисодий ҳамкорлик йилдан-йилга ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Зеро, бугунги кунда мазкур йўналиш ҳар икки мамлакат иқтисодининг асосий бўғинига айланган.



4 ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

5 МАЪНАВИЯТ

7 ХАЛҚАРО ҲАЁТ

КОНЦЕПЦИЯ: ЎЗМТДПнинг УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ



ХУСУСИЙ МУЛКНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

МУЛҚДОРЛАР ХУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИНИ ҚОНУНИЙ МУСТАҲКАМЛАШ — ДАВР ТАЛАБИ

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг барча соҳада кенг қамровли ижобий ўзгаришлар рўй берди. Жумладан, бугун юртимизда амалга оширилган иқтисодий ислохотлар жараёни, хусусан, бозор иқтисодиётига ўтишнинг "Ўзбек модели" дунё ҳам-жамияти томонидан алоҳида эътироф этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Исрол Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрдаги парламент палаталарининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" мавзусидаги маърузасида демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифалари белгиланган. Концепцияда белгиланган "Демократик бозор ислохотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш" йўналиши алоҳида ўрин тутди.

2-бет

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИ

КОНЦЕПЦИЯДА ИЛГАРИ СУРИЛГАН ВАЗИФАЛАР ВА МАҚСАДЛАР АСОСИДА ТАНКИДИЙ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

ЎЗМТДП Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти Кенгашларининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Президентимиз Исрол Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" мавзусидаги маърузасидан келиб чиқадиган, партия олдида турган долзарб вазифалар атрофида муҳокама қилинди. Унда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Ахтам Турсунов "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси ва ЎЗМТДП олдида турган вазифалар" мавзусида маъруза қилди.

2-бет

МУЛОҚОТ КОНЦЕПЦИЯ

ХУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ ҚУРИШ АСОСИ

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Тошкент Давлат юридик институти билан ҳамкорликда Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисида Президентимиз томонидан тақлиф этилган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" мазмун-моҳиятини ОАВ ходимлари ўртасида ўрганиш ва ҳар томонлама очиб беришга қаратилган ўқув-семинари бўлиб ўтди.

Тадбирда ТДЮИ профессор-ўқитувчилари истиқлол йилларида мамлакатимизда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш бўйича эришилган натижалар, ушбу ҳаётий дастурни эълон қилиш зарурати, уни амалга ошириш борасидаги устувор вазифалар ҳақида маърузалар қилишди. Нотиклар Президентимиз Исрол Каримов томонидан илгари сурилган Концепция мамлакатимизда янги даврни бошлаб берганини алоҳида эътироф этишди.

Шунингдек, Концепцияда илгари сурилган ҳар бир йўналиш бўлими ва аҳамиятини юртдошларимиз чуқур тунуниши, ушбу вазифаларни ҳаётга изчил татбиқ этишда фаол иштирок этиши лозимлиги, бунинг учун энг аввало оммавий ахборот воситаларида Концепциянинг мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш, уни амалга ошириш орқали эришилши кутлаётган тараққиёт босқичлари ҳақида аҳолига кенг тушуنча бериш муҳим аҳамиятга эга эканлиги семинар қатнашчилари томонидан алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Э.ХУҲАЕВ

СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИ

УНИ ЯНАДА ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ХАЛҚИМИЗ МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Бу йил мамлакатимиз мустақилликка эришганига йигирма йил тўлади. Шу қисқа вақт ичида ўзбек давлатчилигининг мустаҳкам асослари яратилди, давлат-жамият ҳаётининг барча соҳаларида чуқур демократик-ҳуқуқий ислохотлар амалга оширилди, миллий қадриятларимиз тикланди. Бошқа соҳаларда бўлгани сингари суд-ҳуқуқ тизимида ҳам кенг қамровли ислохотлар амалга оширилди, бу ислохотларнинг мазмун-моҳияти Ўзбекистон Республикаси Президенти Исрол Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрда парламент палаталари қўшма мажлисидаги маърузасида очиб берилди.

Ислохотлар давомиди, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, "Аввало, суд ҳокимиятини босқичма-босқич мустаҳкамлаб бориш, суднинг мустақиллигини таъминлаш, уни собиқ тузумда

бўлгани каби қатагон қуроли ва жазолаш идораси сифатидаги орган эмас, балки инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя ва муҳофаза этишга хизмат қиладиган том

маънодаги мустақил давлат институтига айлантиришга қаратилган кенг кўламли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди".

Энг аввало, инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини, конституциявий тузумни, қонунлар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ўз ваколатларини амалга ошираётган суд ҳокимиятини давлат ҳокимиятининг фақат қонунга бўйсунадиган, мустақил ва қучли тармоғи сифатида қарор топтириш бўйича самарали чоралар кўрилди.

4-бет

МУЗЕЙДА БИР КУН

ҒАЛАБАЛАР ТИМСОЛИ

Узоқдан қўёнинг заррин нурларига бурканган маҳобатли иншоот атрофи турли-туман манзарали дарахтлар билан ўралган. Секин-аста у томон юриб борарканман, оқётган сувнинг мафтуннаво оҳанг-гисо, бетакрор меъморий ечим, замонавийлик ва миллийлик руҳи сингдирилган гўзал архитектура намунаси бўлган бино ақлмни шоширди. Бу иншоот Ўзбекистон Олимпия шон-шўхрати музейидир.



Юртимиз истиқлолнинг беш йиллигини қаршилаётган бир паллада Юртбошимиз Исрол Каримов раҳнамолигида Тошкент шаҳрида "Олимпия шон-шўхрати" музейи ташкил этилди. Бу эса спортни, жумладан, Олимпиада дастуридан жой олган спорт

турларини ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор ва ғамхўрликнинг, бир сўз билан айтганда юртимиз спортчиларининг куч-ғайрати, матонат шижоати, жаҳон спорт майдонларида эришган ғалабаларининг халқаро эътирофи эди.

1996 йилнинг 2 сентябрь кунини музейнинг очилиш маросимида Президентимиз ва ХОҚ (Халқаро Олимпия Қўмитаси)нинг ўша пайтдаги раҳбари Хуан Антонио Сомаранч иштирок этганди.

8-бет

МТ

БУГУНГИ СОНДА:

СИЁСАТ

Хусусий мулкни ҳимоя қилиш

Фуқаролик жамиятини ривожлантириш

ПАРТИЯ ҲАЁТИ

Аждодлар хотираси ва маънавий мероси

"Ёш сиёсий шарҳловчилар"

2-бет

3-бет

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

Суд-ҳуқуқ тизими

МАЪНАВИЯТ

Хаттотлик санъати

Юртим, сенга жоним фидо

Тошкент дарвозалари

4-бет

5-бет

ЖАРАЁН

Туризм инфратузилмаси

Баркамол инсон тарбияси

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

Маржон қасрининг сири

КЎЗГУ

Ғалабалар тимсоли

"Тошкент баҳори"

6-бет

7-бет

8-бет

"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



ПАРТИЯ ҲАЁТИ

Истиқлол йилларида мамлакатимизда бой тарихимиз, буюк аجدодлар илмий, маданий меросини ўрганиш ва уларни келажак авлодларга бус-бутунлигида етказишга алоҳида эътибор қаратилади.

● ЎЗМТДП ТАШКИЛОТЛАРИДА

АЖДОДЛАР ХОТИРАСИ ВА МАЪНАВИЙ МЕРОСИ

БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИДА МУҲИМ ВОСИТАДИР

Зеро, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг асосий мақсадларидан бири ҳам буюк ватандошлар хотирасини қадрлаш, уларнинг тарихий мавқеини муносиб ўринга қўйиш, одамларда миллий ғурур туйғусини юксалтириш, аجدодларимизнинг бебаҳо маданий-маънавий меросини асраб-авайлашга кўмаклашишдан иборат. ЎЗМТДП айни шу мақсад ва йўналишда қатор тадбирлар ўтказиб келмоқда. Жумладан, партия ҳудудий ташкилотларида Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 675 йиллиги кенг нишонланди.

ЎЗМТДП Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамда Темурийлар тарихи Давлат музейи билан ҳамкорликда ўтказилган тадбир "Ўзбек давлатчилиги тарихида Амир Темур ва темурийлар салтанатининг ўрни" деб номланди. Унда ЎЗМТДП Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, ЎЗМТДП Тошкент шаҳар ва туман Кенгашлари девони ходимлари, ёшлар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

— Мамлакатимиз истиқлолга эришгач, Соҳибқирон Амир Темур шахси Ватан ва миллат тimsолига айланди, — деди

ЎЗМТДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси Шухрат Деҳқонов. — Жумладан, мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги маданият ва маърифат масканлари Соҳибқирон номи билан аталди. Яъни, мустақил давлатимизнинг ҳар бир гўшасида ул буюк зот руҳи авлодлари билан ҳамроҳу ҳамнафас яшамокда.

Таъкидлаш жоизки, бугун нафақат юртимиз, балки хорижда ҳам Темур ва темурийлар даври ҳақида кўплаб китоблар, тадқиқотлар нашр этилмоқда. Бугунги кунда дунёнинг элликлдан ортқ мам-

лакатида темуршунос олимлар фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари ўтган олти юз йилдан ортқ вақт мобайнида Амир Темурга бағишланган асарлар сони европа тилларида 500 дан зиёд, Шарқ тилларида эса мингга яқин.

— Мазкур тадбирни Темурийлар тарихи Давлат музейида ўтказилишида ҳам рамзий маъно бор, — дейди ЎЗМТДП Тошкент шаҳар Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Мусаллам Умирова. — Музей ёшларимизга Амир Темур даври тарихини янада чуқурроқ ўрганиш, унинг бизга қолдир-

рихчи олимлар ва спортчилар иштирок этди. Йиғилиш Самарқанд шаҳри марказида қад ростлаган Соҳибқирон ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйиш ва Ғури Амир мақбарасига зиёрат қилиш билан бошланди.



нинг мавқеини оширишга ҳаракат қилди, қатор хорижий мамлакатлар шу жумладан, Франция, Испания, Англия билан алоқа ўрнатди.

Шу ўринда муҳтарам Президентимиз Ислам Каримовнинг қуйидаги сўзлари ёдимизга келади: "Ўзбекистоннинг бугунги озодлигини мустаҳкамлаш даврида Амир Темур биз учун буюк давлат асосчиси сифатида қадрлидир. У давлат пойдеворини қурган, давлатнинг ҳуқуқий асосларини барпо этган. Унинг давлатчилиги борасидаги фикрлари ўз даври, балки, келгуси авлодлар учун ҳам катта аҳамият касб этади".

Тадбирда сўзга чиққанлар Соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг ҳарбий, сиёсий фаолиятдан маълумот берувчи "Темур тузуқлари" асари бугунги авлод учун қимматли тарихий манба эканлигини алоҳида таъкидладилар.

Тадбир сўнггида аждодларимизга муносиб ворис бўлиш учун тинмай меҳнат қилаётган ва юқори натижаларга эришган бир гуруҳ ҳарбийлар, ИИБ ходимлари, спортчилар ва тарихчи олимларга ЎЗМТДП Самарқанд вилояти Кенгашининг эсдалик совғалари топширилди.

Эргаш ХҲҲАЕВ,
Камолиддин САЙДУЛОВ,
"Milliy tiklanish" мухбирлари



● ЎҚУВ-СЕМИНАР

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши "Ёшлар қаноти", Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ва "Етакчи" ёшлар ўқув маркази ҳамкорлигида "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ёшларнинг фаоллиги зарурияти" мавзусида ўқув-семинар ўтказилди. Унда "Ёш сиёсий шарҳловчилар" клуби аъзолари, ЎЗМТДП ҳудудий ташкилотларининг "Ёшлар қаноти" раҳбарлари ҳамда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вакиллари иштирок этди.

"ЁШ СИЁСИЙ ШАРҲЛОВЧИЛАР"

КЛУБНИНГ НАВБАТДАГИ ЙИГИЛИШИ КОНЦЕПЦИЯДА БЕЛГИЛАНГАН УСТУВОР ВАЗИФАЛАРГА БАҒИШЛАНДИ

Ёшлар мамлакат келажаги, жамият таъинидир. Бугун уларнинг ҳуқуқий билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаш, фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнидаги бевосита иштирокини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Келажакимиз эгаларининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, юртимиз ривожини йўлидаги изланишларини кўллаб-қувватлаш ЎЗМТДПнинг ҳам дастурий мақсадларидан бири ҳисобланади.

Тадбир ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда "Ёш сиёсий шарҳловчилар" клуби ҳамда партиянинг ёш аъзолари малака, кўникма ва фаоллигини ошириш, уларнинг сиёсий шарҳловчилик, нотиклик маҳоратини юксалтириш мақсадида ташкил этилди.

Тадбирда мамлакатимиз Президентини Ислам Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаро-

лик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" мавзусидаги маърузасида белгиланган устувор йўналишлардан келиб чиқиб, партиянинг ёш фаоллари олдига турган долзарб вазифалар атрофича муҳокама этилди.

Тадбирда сўзга чиққан ЎЗМТДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ва Марказий Кенгаши аъзолари, таниқли журналистлар, сиёсатчилар, шарҳловчилар Юртбошимиз тақдим этган мазкур Концепцияда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифалари сифатида давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш, ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигига эришиш, Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш, демократик бозор ислохотларини ва иқтисодиётнинг либераллаштириш янада чуқурлаштириш каби бир нечта устувор

йўналишлар белгиланиб, уларни ҳаётга татбиқ этиш механизмлари аниқ ва равшан кўрсатиб берилганини алоҳида таъкидладилар.

Шунингдек, семинарда Концепцияда баён этилган қоидалар, уларнинг асл мазмун-моҳиятини аҳолининг турли қатламлари, хусусан, ёшлар орасида кенг тушуниришда сиёсий шарҳловчилик маҳоратини юксалтиришнинг устувор йўналишлари, мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларига оид қонунчиликни такомиллаштириш масалалари, партиянинг гоя ва мақсадларини жамоатчилик ўртасида тарғиб этиш ва зарур ахборотларни етказишни янада кучайтириш юзасидан ўртага ташланган аниқ тақлифлар семинар иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Ўқув-семинар якунида иштирокчилар учун амалий машғулотлар ташкил этилди.

ЎЗМТДП МК
Ахборот хизмати

● МАФКУРА

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ

МИЛЛИЙ МАНФААТЛАРИМИЗ АСОСИ

Одамлар онгида миллий ғурур ва шайн туйғусини қамол топтириш, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга кўмаклашиш ва тарғиб-таъшиқ этиш Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг дастурий мақсад ва вазифалари сирасига киради. Шу боис партия томонидан ўтказилаётган тадбирларда ёшларимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор берилмоқда.

ЎЗМТДП Бухоро шаҳар Кенгаши томонидан ташкил этилган "Миллий қадриятларимиз — миллий манфаатларимиз асоси" мавзусидаги маънавий-маърифий тадбир ҳам айни шу мақсадга қаратилди.

— Асрлар давомида шаклланиб, сайқал топиб келаятган миллий қадрият ва анъаналаримизни асраб-авайлаш ҳар биримизнинг инсоний

бурчимиздир, — деди ЎЗМТДП Бухоро шаҳар Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Ж.Хасанов. — Шундай экан, мазкур жараёнга ёшларни кенг жалб қилиш, баркамол авлодни тарбиялаш борасида юртимизда олиб борилаётган кенг қўламли ишларда фаол иштирок этишимиз лозим.

Тадбирда сўзга чиққан Бухоро

Давлат университети тарих факультети доценти М.Қурбонова, Бухоро шаҳар 51-маҳалла фуқаролар йиғини раиси М.Шаҳобиддинова ёшларни ватанпарварлик, миллий ғояга содиқлик руҳида тарбиялаш, улар қалбида миллий ғурур туйғусини уйғотиш, миллий қадриятларимизга ҳурмат, ўтмиш меросимиз биллимонли, замонавий билимлар эгаси қилиб тарбиялаш бугунги кун, қолаверса, партияимиз олдига турган муҳим вазифа эканини таъкидладилар.

Тадбирда ёшлар саволларига маърузачи ва мутахассислар батафсил жавоб қайтардилар.

Маннон ОТАБОЙ,
"Milliy tiklanish" мухбири

● ТАРҒИБОТ

ҚАДИМ ЮРТДА ҚАДР ТОПГАН АНЪАНА

МАВЗУСИДА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИР ЎТКАЗИЛДИ

Мамлакатимиз ҳудудида аждодларимиз бунёдкорлиги ва ижодкорлигидан дарак берувчи кўплаб тарихий обида ва кўҳна ёдгорликлар сақланиб қолган. Истиқлол йилларида тарихий қимматга эга бўлган маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, таъмирлаш, уларни кўз қорачиқидай асраб-авайлаш ва келгуси авлодларга бус-бутун етказиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Шу жиҳатдан миллий қадрият, урф-одат ва анъаналарни, маданий, тарихий меросимизни чуқур ўрганиш, уни тарғиб қилишга кўмаклашиш ЎЗМТДПнинг дастурий мақсадларидан биридир.



ЎЗМТДП Сирдарё вилояти Кенгаши ташаббуси билан Сардоба туманидаги "Гумбаз" қишлоғида "Қадим юртда қадр топган қадрият" мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари вилоят, туман Кенгаши депутатлари, партия вилоят Кенгаши аъзолари, "Ёшлар қаноти", "Аёллар қаноти" фаоллари, ижодкорлар ҳамда ёшлар иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Олтиной Эсонова, Республика "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси бошқаруви раиси, ЎЗМТДП вилоят Кенгаши депутати Исфандиёр Латипов, Республика Маънавият ва тарғибот маркази вилоят бўлими раҳбари Солижон Қудратов ва меҳнат фахрийси Мирза Қайнаров «Гумбаз» ёдгорлигининг тарихи, обиданинг аждодларимиз турмуш тарзида тутган ўрни ҳақида иштирокчиларга маълумот берди.

Истиқлол халқимизнинг бой маданий меросини асраб-авайлаш, уларни илмий доирада ўрганиш, қайта тиклаш ва бойитиш, келгуси авлодларга бус-бутун қолдириш имконини берди. Бу борада қилинаётган ҳарйри

ишлар самараси ўларок, улуг аждодларимиз номи билан боғлиқ муқаддас қадимжоларимиз қайта чирой очди, тарихий обидалар, осори-атикалар таъмирдан чиқарилди, қаровсиз ётган кўҳна ёдгорликлар давлат ҳимоясига олинди. Шу ўринда тадбир иштирокчилари томонидан мазкур соҳадаги мавжуд ислохотлар жараёнига муносиб ҳисса қўиш муҳим вазифа эканлиги таъкидланди. Яъни, маҳаллий кенгашлар сессиялари кун тартибига тарихий обидаларни муҳофаза қилиш, маданий мерос объектлари ҳудудларида олиб борилаётган ноқонуний ҳаракатлар юзасидан қарор лойиҳаларини киритиш бўйича ўз фаолиятларини кучайтиришга келишиб олишди.

Тадбир катта байрам сайлига уланди. Вилоятнинг таниқли ижодкорлари миллий қадрият, кўҳна урф-одат ва анъаналар ҳақида ёзган шеърларидан ўқидилар. Бундан ташқари, "Сирдарё наволари" ашула ва рақс дастаси аъзолари талқин-дирабо куй-

қўшиқ, рақслар ва Олим Хўжаев номиди вилоят мусиқали драма театри қошидаги "Хушчақчақ" гуруҳининг қизиқarli сахна кўринишлари барчага завқ-шавқ улашди.

Тадбир доирасида ўтказилган "Миллий халқ ўйинлари" спорт мусобақасида туман ёшлари ўзаро куч синашди. Тадбир якунида бир гуруҳиқтидорли ёшларга вилоят Кенгашининг эсдалик совғалари топширилди.

Биз тадбир иштирокчиларининг фикрлари билан қизикдик.

Матлуба ОМОНОВА,
ЎЗМТДП Сардоба туман
Кенгаши "Ёшлар қаноти"
фаоли:

— Тарихий хотирасиз келажак бўлмайди. Шу боис аждодларимиз меросини пухта ўрганишимиз лозим. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси вилоят Кенгаши ёшларимизни маданий мерос объектларини асраб-авайлаш ва бунёдкор ғоялар руҳида тарбиялашга кўмаклашмоқда. Бугунги тадбир ҳам бу борадаги ишларнинг мантиқий давоми, десам муболага бўлмайди. Зеро, унда иштирок этган ҳар бир ёш авлод вакиллари қишлоғимизнинг бой тарихи, "Гумбаз" обидасининг аҳамияти ҳақида кенг тасаввурга эга бўлди. Бу эса уларнинг келажакда маданий меросни асраб-авайлашга, улуг аждодларимизнинг муборак қадмалари етган муқаддас жойларни қадрлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Абдурашул ШОДМОНҚУЛОВ,
Болалар спортини
ривожлантириш жамғармаси
туман бўлими бош
мутахассиси:

— ЎЗМТДП вилоят Кенгаши ташаббуси билан ўтказилган мазкур тадбир ёш авлод ўртасида миллий қадриятларни тарғиб қилиш, уларни маънан ва жисмонан баркамол бўлиб вояга етишига кўмаклашиш мақсадида ташкил этилганлиги билан муҳим аҳамиятга эга. Унда ёшларимиз ўртасида қадимий, миллий ўйинлар бўйича спорт беллашувлари ўрин олган мазкур соҳа ривожига муносиб ҳисса қўиши шубҳасиз.

Анорбой НОРКУЛОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири



ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

КОНЦЕПЦИЯ: ЎЗМТДПнинг УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ

СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИ

УНИ ЯНАДА ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ
ХАЛҚИМИЗ МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ(Давоми.
Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, умумий юрисдикция судлари ва ҳўжалик судларидан иборат бўлган ва ҳозирги кунда ўз фаолиятини самарали амалга оширадиган яхлит суд тизими ташкил этилди. Судья кадрларини танлаш ва тайинлашнинг самарали ва демократик ҳуқуқий механизми яратилди, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судларнинг ихтисослашуви амалга оширил-

68,1 фоизига нисбатан жамият ва оиладан ажратиш билан боғлиқ бўлмаган жазо чоралари қўлланилган.

Жиноят тўғрисидаги қонунчиликни либераллаштириш жараёни барча ёшдаги жамият гуруҳларини қамраб олди.

Жиноят қонуни нормаларининг ўзгартирилиши воёга етмаганларни жамиятдан ажратмасдан уларга нисбатан жазонинг тарбиявий вазифасининг бажарилишига имкон берди. Агарда 2001 йилда озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган

озодликдан маҳрум қилиш каби жиноий жазолари тайинлаш ҳоллари: қамок – судланганларнинг умумий сонига нисбатан 1,3 фоиздан 0,9 фоизгача; озодликдан маҳрум қилиш – 39,7 фоиздан 31,0 фоизгача қамайди.

Юртбошимиз ташаббуси билан ўлим жазосини бекор қилиниши ва қамокқа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳуқуқининг судларга ўтказилганлиги, суд-ҳуқуқ ислохотларининг муҳим ютуқларидан бири бўлди. Халқаро экспертлар мазкур масалалар юзасидан қабул қилинган қонунларнинг умумий таътирофи этилган стандартларга тўлиқ мувофиқ эканлигини эътироф этган ҳолда уларнинг кўпгина ривожланган давлатларнинг шу соҳадаги қонунларидан кўра мукамилроқ ва инсонпарвар эканлигини таъкидлашмоқда.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси мамлакатимизда амалга оширилган суд-ҳуқуқ ислохотларини изчиллик билан қўллаб-қувватлаб келмоқда. Партиямиз келгусида ҳам ўз сайловолди платформаси (Ҳаракат дастури)дан келиб чиққан ҳолда суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш, кексаларга, хотин-қизлар, болалар ва ўсмирларга нисбатан жазонини муқобил чораларини борган сари кўпроқ қўллашнинг ҳуқуқий асосларини янада кенгайтириш ҳамда жиноят судлов ишларини маънавий-миллий аъналаримизга мос келадиган ярашув институти янада ривожлантиришга барча имкониятлардан фойдаланган ҳолда кўмаклашади.

Шуни ишонч билан таъкидлаш мумкинки, Ўзбекистонда амалга оширилган суд-ҳуқуқ ислохотлари инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга, қонун устуворлигини, ижтимоий адолатни, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Шу билан бирга бу борадаги қатор масалаларни ҳал қилиш учун суд-ҳуқуқ ислохотларини давом эттиришликни талаб қилади. Шу муносабат билан Концепцияда белгиланган вазифалар мамлакатимиз ҳуқуқий тизимини изчиллик билан либераллаштиришнинг энг муҳим жиҳатларига дахлдордир.

Суднафақат ўз мазмун моҳиятига кўра ҳолис бўлиши, балки унинг ҳолислигига бошқалар ҳам

ярашиб беради. Президентнинг айблов ҳулосасини ўқиб эшитириш мажбуриятини фақат прокурор зиммасига юклаш тўғрисидаги таклифи суднинг мустақиллиги, ҳолислиги ва бегаразлигини таъминлашга ҳамда жиноят процессида тортишув принципининг амал қилишини янада ҳам кучайтириш манфаатларига хизмат қилади. Бундан ташқари, бизнинг назаримизда бу янгилик суд процессида қатнашаётган прокурорнинг жавобгарлигини кучайтиради. У судланувчининг айбини исботлаш ва жиноят ишларини кўришда қонунийликни таъминлаш бўйича масъулиятини тўлароқ ҳис этадиган бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 321-моддасидан суднинг жиноят иши кўзга-тишга доир ваколатини чиқариш тўғрисидаги таклифи суднинг ҳуқуқий мақомига ва табиатига тўлиқ мувофиқ келади. Қонунга мувофиқ суд жиноий таъкибни амалга оширувчи орган эмас. Суднинг энг асосий вазифаси одил судловни амалга оширишдир. Суд ҳолис ва бегараз бўлиб ишда қатнашувчи тарафларнинг биронтасининг ҳам манфаатларини ифодаламаган тақдирдагина одил судлов тўғрисида сўз юритиш мумкин. Суд жиноят иши кўзга-тиш билан ўзининг ҳолислиги ва бегаразлигини шубҳа остига қўйиши мумкин. Давлат бошлигининг таклифини амалга ошириш бир томондан суднинг ҳам бўлмаган вазифадан озод қилиб, суднинг ҳолислиги ва бегаразлигини таъминлаш хизмат қилса, иккинчи томондан фуқароларнинг судга бўлган ишончини мустаҳкамлашнинг муҳим воситаларидан бири бўлади.

Кучли фуқаролик жамиятига таянган ҳуқуқий давлат қуришга эришиш учун барчанинг Конституция нормаларига мувофиқ яшаши, қонунларни ҳурмат қилиши ва уларга қатъий риоя қилинишига эришиш зарур. Шу тўғрйли амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан жамиятдаги ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий даражасига боғлиқ. Шу муносабат билан мамлакатда ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган мақсадли кенг қўламли чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш Концепцияда асосий вазифалардан бири этиб қўйилди.

Партиямиз Юртбошимиз томонидан қўйилган бу вазифани амалга ошириш учун қатъият-

Партиямиз Юртбошимиз томонидан қўйилган бу вазифани амалга ошириш учун қатъиятлик билан киришади, чунки у сайловолди дастуриимизда жамиятда ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий онгни янада ривожлантириш вазифаларни ҳал этиш борасида олган мажбуриятларимизни бажаришга қулай имкониятлар беради. Хулоса қилиб айтганда, Концепцияда баён этилган ғояларни амалга ошириш партиямиз электорати манфаатларига тўлиқ жавоб беради ҳамда мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини янада ишончлироқ ҳимоя қилиш мақсадларига эришиш имконини беради.

ишониши керак. Амалдаги қонунчиликда суд мажлисида айблов ҳулосасини ким ўқиб эшитиришлиги аниқ белгиланмаганили тўғрйли, одатда уни судья ўқиб эшиттиради. Бу эса ўз навбатида суд залида ҳозир бўлганларда судга нисбатан ишончини кучайтирмайди, аксинча айримларда суд айблов органи, деган нотўғри тасаввур уйғотади. Холбуки, қонунга кўра суд айблов ёки ҳимоя тарафида турмайди, ҳамда уларнинг бирон бир манфаатларини ифодаламайди. Суд ҳолислик ва бегаразлигини сақлаган ҳолда тарафлар процессуал мажбуриятларини бажаришларини ва берилган ҳуқуқларини амалга оширишлари учун зарур шароитлар

лик билан киришади, чунки у сайловолди дастуриимизда жамиятда ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий онгни янада ривожлантириш вазифаларини ҳал этиш борасида олган мажбуриятларимизни бажаришга қулай имкониятлар беради. Хулоса қилиб айтганда, Концепцияда баён этилган ғояларни амалга ошириш партиямиз электорати манфаатларига тўлиқ жавоб беради ҳамда мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини янада ишончлироқ ҳимоя қилиш мақсадларига эришиш имконини беради.

**Абдил ТўХТАШЕВ,
ЎЗМТДП фракцияси аъзоси**

● ҲАМЖИҲАТЛИК



ОБОД МАҲАЛЛА – ЮРТ КЎРКИ

Мустақиллик шарофати билан шаҳар ва қишлоқларимиз тобора чирой очиб бормоқда. Шаҳар қишлоқларимизда қад ростлаётган муҳташам замонавий ва хушбичим бинолар, олий ўқув юртлари, коллеж, мактаб, мактабгача таълим муассасалари, кенг кўчалар, маҳалла ёки кўча юзид қурилган дўконлар, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари кўз ва дилларни қувнатади, гурур бағишлайди. Муяссар Мансурова раҳбарлик қилаётган Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманига қарашли “Кўкча” маҳалласида жойлашган “Сардор сарвиноз коммуналчи” уй-жой мулкдорлари ширкатини ана шундай обод ва файзли масканлар сирасига киритиш мумкин.

Ширкатаъзолари Муяссар опа бошчилигида маҳалла ҳудудини ободонлаштиришга қаратилган қатор тадбирлар ўтказиб келмоқда. Улар самараси ўлароқ, айниқса, утган икки йил мобайнида ширкат ҳудудига қарашли уй ва ҳовлилар дид билан обод қилинди. Ширкат ўзига қарашли турар-жой биноларининг сақланиши, бутлиги ва жорий ҳамда капитал таъмирлаш ишларини бекаму кўст амалга ошириб келмоқда. Уй-жой эгалари билан тузилган шартнома асосида ана шундай уйларнинг

6 таси жорий таъмирдан чиқарилиб, ташқи ва ички томонлари янада кўркма ва гўзал кўёфга келтирилди. 3 та кўп қаватли уйнинг томи, коммунал тармоқлари, иссиқ сув, совуқ сув қувурлари замонавий пластик қувурлар билан алмаштирилди.

Шунингдек, ширкат фуқаролар йиғини, профилактика инспектори ва маҳаллада истиқомат қилувчи тадбиркорлар билан ҳамкорликда кўп қаватли уйлар ҳовлиси йўлакларига ҳашар йўли билан турли хил манзарали ва меваги дарахт-

лар, гуллар ўтказишга бошқош бўлмоқда.

— Маҳалла — кичик Ватан, дейди Муяссар Мансурова. — Дунёнинг бошқа жойида учрамайдиган бу ўзига хос бошқарув тизими ҳаёт тарзимида бекиёс ўрин тутди. Маҳалла авлоддан-авлодга ўтиб келаётган миллий қадрият, аънава ва урф-одатларимиз сақланадиган, тараққий этадиган, ёшларнинг қалбида Ватанга муҳаббат, юртга садоқат туйғусини уйғотадиган, тарихий қадамжо ва ажодлар хотирасига ҳурмат руҳида тарбияладиган муҳим воясига ҳисобланади. Ширкат билан маҳаллани бир тану бир жон ёхуд қушнинг икки қаноти-га қиёс қилиш мумкин. Улар ўзаро бирлашса, биргаликда ҳаракат қилса, ҳар қандай гўша обод ва фаровон, аҳолиси эса ҳамжихат ва ҳамкор бўлади.

Зеро, ҳар қандай эзгу иш юрт тинчлиги, ободлиги ва кўнгил хотиржамлиги замирида пайдо бўлади.

Суратда: Муяссар Мансурова (ўртада) маҳалла фаоллари билан келгуси режаларини муҳокама қилмоқда.

**Эргаш ХўЖАЕВ,
“Milliy tiklanish” мухбири**

● ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ

УНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА ИЖРОСИНИ
ТАЪМИНЛАШ ТАРАҚҚИЁТИМИЗГА
КЕНГ ЙЎЛ ОЧАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, Молия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Давлат солиқ ва божхона қўмиталари масъул ходимлари ҳамда мутахассис ва олимлар иштирокида “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш, унинг ижросини назорат қилиш масалаларига янада профессионал нуктаи назардан ёндашишларига ёрдам бериш, шунингдек, Давлат бюджетни таркибига кирувчи бюджетлараро муносабатларнинг ҳуқуқий асосини ташкил этувчи Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги, “Давлат бюджетининг газна ижроси тўғрисида”ги ва бошқа Қонунларни янада чуқурроқ ўрганиш ва таҳлил қилишдан иборат бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрдаги Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамия-

тини ривожлантириш Концепцияси”га бағишланган дастурий маърузасида илгари сурилган ғоя, мақсад ва устувор йўналишлар парламент қўйи палатаси зиммасига катта масъулият юклади. Жумладан, улар Концепцияда белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда ўз фаолиятини сифат жиҳатдан янги даражага кўтариши, депутатлар эса янги қонунларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва мавжудларини такомиллаштиришда фаоллик кўрсатиши, парламент назоратини янги талаблар асосида амалга ошириш талаб этилади.

Мазлумки, Парламент назоратининг муҳим йўналиши – бу мамлакатни бошқаришда, макроиқтисодий ва ижтимоий-иқтисодий юксалишини тартибга солиш, айниқса, иқтисодиёт соҳаларини ҳамда ҳудудларни барқарор ва мувозанатли ривожланишини таъминлашда энг муҳим иқтисодий дастак бўлган Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетини кўриб чиқиш, қабул қилиш ҳамда ижросини назорат қилишдан иборат.

Давра суҳбати иштирокчилари Давлат бюджетни даромадлари, солиқ ставкалари ва солиққа тортиш базасини оптималлаштириш ҳамда унинг харажатлари нуктаи назаридан Давлат бюджетини шакллантириш ва ижросини таъминлаш, хусусан, республика ва маҳал-

лий бюджетлар кесимида самарали бажарилиши юзасидан парламент назоратини такомиллаштириш бугуннинг ўта долзарб масаласи эканлигини эътироф этиш билан бирга ушбу жараёнларнинг мураккаблигига ҳам алоҳида эътибор қаратди.

Давра суҳбатида депутатлар вазирликлар, идоралар масъул ходимлари, мутахассислар ва олимлар ёрдамида макроиқтисодий барқарорлиқни таъминлаш, Давлат бюджетни сиёсатини амалга оширишда бюджет харажатларининг аҳамияти ва роли, унинг газна ижроси механизми, бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш ва очиклигини таъминлашда бюджет классификациясининг аҳамияти, солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари ва унинг давлат бюджетни даромадларига таъсири, шунингдек, бюджет тизимлари жараёнларини шакллантириш масалаларига ҳам кенг тўхталди. Шунингдек, Халқ таълими вазирлиги ва унинг таркибига кирувчи ташкилот ва муассасалар мисолида вазирлиқнинг масъул ходимлари томонидан соҳа харажатларини режалаштириш, уларга буюртма бериш, бюджет маблағларидан фойдаланиш ҳамда ижросини таъминлаш жараёнларининг ташкил этилиши борасида атрофдаги тушунтиришлар берилди.

Тадбирда бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш юзасидан назоратни амалга оширишда парламентнинг, хусусан, депутатларнинг роли ва вазифалари муҳокама қилинди, шунингдек, уларни самарали амалга ошириш юзасидан қизгин мунозаралар бўлиб ўтди ва бу борада депутатларга тегишли тушунтириш, тақлиф ва тавсиялар берилди.

ди. Давлат ҳокимияти тизимининг бўлиниши конституциявий принципини амалга ошириш учун судлар фаолиятини ташкил этишда таъминлаш масалалари ҳал этилди, хусусан, судья кадрлари масаласи билан шуғулланадиган махсус орган – Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси ташкил этилди.

Умумий юрисдикция судлари ихтисослаштирилиб, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлар ташкил этилиши, ишларни апелляция тартибидан кўриб чиқиш тартибининг жорий этилиши ва кассация институтининг ислохот қилиниши судлар фаолияти самарадорлигини ошириш билан бирга инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тўла ва ҳар томонлама ҳимоя қилиш қафолатларини ҳам кучайтирди.

Адвокатура институтининг такомиллаштирилиши фуқароларга нафақат жиноят процессининг ҳар қанақанги босқичида, балки фуқаролик ишларини ва ҳўжалик низоларини кўриб чиқишда ҳам малакали юридик ёрдам кўрсатиш учун барча зарур ҳуқуқий шарт-шароит яратди.

Суд-ҳуқуқ ислохотларининг муҳим йўналишларидан бири жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши; судларга иқтисодий ва ҳўжалик соҳаларида содир этилган жиноятлар учун қамок ҳамда озодликдан маҳрум қилиш каби жазоларга муқобил турадиган жарима тариқасидаги жазони кенгроқ равишда қўллаш имкониятини берди. Жиноий жазолар либераллаштирилгунга қадар, масалан, 2000 йилда судланганларнинг деярли ярмига озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазо тайинланган бўлса, 2010 йилда судланганларнинг

воёга етмаганларнинг сони воёга етмаган судланганларнинг умумий сонидан 39,7 фоизини ташкил этган бўлса, кўрсатилган ўзгартишлар киритилганлиги натижасида мазкур сон 2009 йилда 14,8 фоизга қадар қисқартирилди. Содир этилган жиноят етмаганларнинг 85,2 фоизига нисбатан суд томонидан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланди.

Одиллик ва инсонпарварлик ғояси аёлларга ҳамда олтими ёшдан ошган эркекларга нисбатан қўлланиладиган жазо муддатининг ва турининг ўзгартирилишида ўз аксини топган. Жиноят кодексига мувофиқ озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётган аёлларга ҳамда олтими ёшдан ошган эркекларга нисбатан тайинланаётган жазо муддати Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган озодликдан маҳрум этиш энг кўп муддатининг тўртдан уч қисминдан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Жиноятларни таснифлаш қоидаларининг ўзгартирилиши ва жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларнинг судлар томонидан кенгроқ тайинланишига йўл очиб берди. Хусусан, агарда 2001 йилда судланганларнинг 7,2 фоизига жиноий жазо сифатида жарима тайинланган бўлса, 2009 йилда мазкур ракам 16,9 фоизни ташкил этди. Ушбу давр ичида ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазони тайинлаш ҳоллари судланганларнинг умумий сонига нисбатан 21,5 фоиздан 36,6 фоизгача, шартли ҳукм қилиш ҳоллари эса – 7,9 фоиздан 10,2 фоизгача ошди.

Шу билан бирга, қамок ва

“Биз мустақилликнинг ilk йилларидан бошлаб Самарқанд, Бухоро, Хива, Шахрисабз ва бошқа қадимий шаҳарларимиздаги Шарқ меъморчилиқ санъатининг дурдоналари бўлмиш тарихий обидаларни сақлаш, уларни қайта тиклаш ва таъмирлаш ишлари катта эътибор қаратмоқдамиз. Баъзи бир йирик обидалар бўйича бундан 15-20 йил олдин бошлаган ишларимиз ҳозиргача давом этмоқда.

Таъкидлаш керакки, тарихий ёдгорликларни қайта тиклаш — бу фақат тегишли маблағ ва куч-имконият топишдангина иборат эмас, балки биринчи галда жиддий илмий ёндашувни, нозик дид ва маҳоратни, чуқур билим, тажриба ва юксак салоҳиятни, керак бўлса, маънавий покликни талаб қиладиган мураккаб соҳадир.

Мисол учун, қадимий қўлғезмаларни тўғри ўқиш ва талқин қилиш учун олим ва мутахассисларимиз қанчалик билим, истеъдод ва зеҳн, масъулиятга эга бўлиши зарурлиги ҳақида ортиқча гапиришнинг ҳождати йўқ, деб ўйлайман. Кези келганда айтиш лозимки, айнан муқаддас китоблар, диний қўлғезмаларнинг маъносини нотўғри талқин қилиш оқибатида бугунги кунда дунёда турли хил низо ва қарама-қаршиликлар юзага келаётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас.

Ёки айтайлик, кўҳна мадраса ва масжидлар пештоқига араб ёзувида битилган сўзларни ҳар қандай одам ҳам ўқий олмайдди. Нега деганда, ислоний хаттотлар санъатининг ўзи бир олам бўлиб, унинг қанча-қанча ўзига хос сирлари бор”

Ислон КАРИМОВ

ХАТТОТЛИК САНЪАТИ

АСРЛАР ОША САЙҚАЛЛАНИБ, РИВОЖЛАНИБ КЕЛМОҚДА



Дарҳақиқат, мустақиллик биздан миллий ва тарихий меросимизни чуқур, ҳар томонлама мукаммал ўрганишни тақозо этади.

Хуснихат ва унинг ёзиш усуллари ўзининг ихтисослашган жиҳатлари ҳамда нафосатига эга экани билан бадий ижодиётнинг алоҳида санъат тури дея эътироф этилиши ҳам бежиз эмас. Хуснихат битиклари меъморий обида пештоқлари, кулолчилик ва миниатюра (наъмнама) рангтасвирида кенг фойдаланилади. Хуснихат (хаттотлик) санъатида маълум билим ва малакага эга бўлишни талаб этади. Чунки у замоналараро узилган ришталарни боғлашга кўмаклашибгина қолмай, мозийдан қолган маънавий бойликларимиз, ёзма ёдгорлик манбалардан илм йўлида фойдаланиши ва қайта ўрганиш имконини беради.

Ўзбекхона миллий кадритларимиз тасвирий ва амалий санъат мусаввирлигида ҳам акс этган. Хусусан, хаттотлик санъати уфуриб турган бадий санъат намуналари ҳозирги кунда ҳам ёш ва баркамол авлодга маънавий озиқ сифатида беминнат хизмат кўрсатмоқда. Шу ўринда, жонқуяр ва фидойи педагогларнинг соҳа ривожини йўлида қилётган саъй-ҳаракатлари таҳсинга лойиқ.

Абдурашид Шоюнусов мутахассислиги бўйича арабшунос. Мана бир неча йилдирки у киши Ўзбекистон Бадий академияси Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти Хаттотлик ва миниатюра бўлимида ёш ижодкорларга араб ёзуви асосларини кўнгли билан ўргатиб, мударрислик фаолиятини юритиб келаётир. Буни қарангки, таширфимиз айна дарс пайтида тўғри келиб қолибди. Шу боис, биз ўқув жараёни билан тўғридан-тўғри танишиш имконига эга бўлдик.

● ТАДБИР

ЮРТИМ, СЕНГА ЖОНИМ ФИДО

Республика мусиқа ва санъатга ихтисослаштирилган мактаб-интернатда кўшиқчилик санъати бўйича халқаро фестивалларда ғолибликни қўлга киритган иқтидорли ёшларнинг “Юртим, сенга жоним фидо” номи концерти дастури бўлиб ўтди.

Республика Халқ таълими ва Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Ўзбекистон бас-такорлар уюшмаси ҳамкорлигида ўтказилган концертда пойтахтдаги Успенский ва Глиэр номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи ва бошқа мусиқа мактабларининг мутахассислари, билим даргоҳининг ўқитувчи ва

ўқувчи-ёшлари иштирок этди. Бугунги кунда юртимизда нафақат миллий мусиқачилиқ, балки жаҳон мусиқа санъатининг кўпқабатли йўналишларини чуқур ўрганиш, ўзлаштириш бора-бора катта ютуқларга эришилмоқда. Санъаткорларимиз, айниқса, ёш ижрочиларимизнинг нуфузли халқаро танлов ва фестивалларда муваффақи-

тоби эса ҳар томонлама мукамал бўлиб, бир неча хат турлари ва ёзиш усуллари изоҳлар билан келтирилган. Айниқса, асарнинг ўзбек ёзувиге асосланган лотин графикасида ёзилгани биз каби талабаларга анчайин қулайлик туғдиради.

Авазбек КОДИРОВ, IV-курс талабаси:

- Дарсликнинг яна бир ютуғи шундаки, унда араб ёзувининг барча хусусиятлари батафсил тўшунтирилган. Изоҳлаб бериш, араб алифбоси, муфратот илми, лавҳа, сатр чизиги ҳақида ҳар қандай ўқувчи тўлиқ тасаввурга эга бўлиши мумкин. Тўғриси, дарсликда келтирилган бу усул ва услубиёт қоидалари нафақат биз талабалар, балки шу соҳа мутахассислари учун ҳам ўзига хос янгилик бўлгани сир эмас.

Нозиммахон ҚАЮМИЙ, II-курс талабаси:

- Хаттотлик санъати машғулларининг мазмундор ўтишида ушбу китобнинг ўзига хос ўрни бор. Китобда хуснихат илми ҳақида шу қадар кўп маълумот берилганки, уни бевосита домланинг ўзларидан сўраб ўрганмасликнинг сира иложи йўқ. Ўтган йилнинг июнида Ўзбекистон маданияти ва санъати кўргазмалар залида хаттотлик санъати кўргазмасини ўтказдик. Кўргазмада ушбу китобнинг тақдироти бўлиб ўтди. Абдурашид домла йиғилганларга хуснихат бўйича маҳорат мактабини ўтаб бергандилар. Ростини айтганда, шундай устозга шогирд эканимдан фخرланиб кетгандим.

Эшитишимизча, домла айна кўнларда яна бир янги китоб устида ишлаётган эканлар. Абдурашид Шоюнусовнинг айтишича, унинг янги асари мазкур дарсликнинг таълим йўналишидаги мантиқий давоми бўлиб, унда “абжод жадвали”, унинг замонамизга хос ва мос тўлиқ талқини ҳамда сир-асрорларидан хабардор этаркан.

Юртимизда истеъдодларга бой. Бунга Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти талабалари мисолида яна бир бор амин бўлдик. Машғулотлар давомида хаттотликни ўрганаётган талаба нафақат рассомликдан, балки математикадан ҳам хабардор бўлиши кераклигини англадик. Хаттотлик санъатини илмий нуқтаи назардан пухта эгаллаётган ёшларга юксак ижодий парвозлар тилар эканмиз, уларнинг юз-кўзларида эртанги кунга ишонч, қатъият ва шижоат борлигини кўрдик. Демакки, таширфимиз бесамар кетмабди.

Зафар МУҲАММАД, “Milliy tiklanish” мухбири

ятли иштирок этаётганида мусиқа ва санъат мактабларининг ўрни бениҳоят каттадир. Тадбирда соҳа мутахассислари юртимиз ёшларини етук ва баркамол инсонлар этиб воғяга етказиш, уларни ватанпарварлик руҳида камол топтиришда Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан ўтказилаётган “Юртим, сенга жоним фидо” бадий концерт дастурининг муҳим аҳамият касб этишини таъкидлашди.

Тадбирда мусиқа мактабининг иқтидорли ўқувчилари Сардор Обиджоновнинг “Ўзбекистон”, Файзулло Низомовнинг “Сурхонча”, “Айтмадин-гиз”, Шахзод Ходжақовнинг “Нурли юз”, “Дилрабо”, “Бепоян юртим” каби кўшиқлари барчада катта қизиқиш уйғотди.

Азиза КИЁСОВА

Хунар инсоният ҳаёти ва маданиятининг ажралмас қисмидир. Замонавий талабалар асосида ўз ижод намуналарини янада такомиллаштириб бораётган уста ижодкорлар бугун юртимизда кўплаб топилади. Ана шундай уста ижодкорлардан бири, кўплаб халқаро танлов ва кўргазмалар иштирокчиси Ислонжон Каримовдир.

У Қўқон тасвирий ва амалий санъат коллежида ёшларга ёғоч ўймакорлигидан сабоқ беради. Ислонжондаги хунарга қизиқишни устози Шарифжон Султонов ўз вақтида англади ва уни тўғри йўналишдан кетишини назорат қилиб борди. Ёғоч ўймакорлик санъатининг сир-асрорларини ўргатди. Ўзи ҳам тинмай ўқиди, изланди. Тошкентда Ўзбекистон халқ рассоми, академик Ортиқ Файзуллаев қўлида таълим олиб, малака, тажрибасини оширди. Устози унга ёғоч ўймакорлигидаги ўзига хос жиҳат — яратувчанлик, меҳр ва сабрда деб ўргатди.

- 1955 йилдан буён шогирдлар тайёрлайман. Бугун уларнинг сони юзлаб десам янглишмайман. Уларнинг ичидан 10 нафардан ошиғи халқ устаси ҳисобланади, - дейди биз билан суҳбатда академик Ортиқ Файзуллаев. - Анъанавий-бадий ёғоч ўймакорлиги 4 минг йилдан буён шаклланиб, ривожланиб келади. Бугун унинг Тошкент, Қўқон мактаблари авлоддан авлодга ўтиб келяпти. Ислонжон 1991 йилдан менга шогирд тушди. Изланувчан, тиришқоқ ёшлардан эди. У Қўқон-Тошкент мактабини уйғунлаштирди. Маълумки, Қўқон нақшлари йирик монументал, Тошкент мактабиники эса майда, нозик-нақшлардан иборат. Шогирдим йирик нақшларни майда нақшлар билан уйғунлаштириб ажойиб композиция яратди. Натижада нозик санъат асарлари юзага кел-

● ТАРИХИЙ МАСКАНЛАР

Дарҳақиқат, аجدодларимиз шаҳар дарвозаларини номлашда жой номи, маҳалла тарихи, аҳолининг асосий касби-ҳунари этник келиб чиқишига алоҳида эътибор беришган. Тарихдан маълумки, Тошкентда ясалган ўқ-ёйлар етти иқлимга «Камони Шоийи» номи билан машҳур бўлган ва муаррихлар асарларида таърифланган. Жумладан, Заҳриддин Мухаммад Бобур ўзининг «Бобуринома»сида Тошкентда моҳир усталар патли ва патсиз камон ўқлар ясаганликлари ҳақида ёзади. Зеро, Бешёғоч даҳасининг Бешёғоч ва Самарқанд дарвозалари ораллигида жойлашган дарвозага Камолон деб ном берилишига сабаб ҳам айнан шу.

ТОШКЕНТ ДАРВОЗАЛАРИ

Дарвозалар ҳақидаги манбаларни кузатар экансиз, Тошкент дарвозаларининг аксариятига элат ёки уруғ номи берилганлиги киши эътиборини тартади. Бу ҳақда тарих фанлари номзо-ди, Ўз РҲА Шарқшунослик институтининг катта илмий ходими **ЎКТАМ СУЛТОНОВ** шундай дейди:

- Дарвозаларга уруғ номларининг берилиши фақат Тошкент учун хос бўлиб, Бухоро, Самарқанд ва Қўқон каби шаҳарларда бундай ҳолат кузатилмайди. Соҳибқирон Амир Темур ҳам Тошкент дарвозаларига алоҳида эътибор билан қараган. Айнан унинг даврида Тошкент дарвозалари Қиёт, Турк, Ўзбек, Қатагон, Сағбон сингари уруғ номлари билан юритилган. Сабаби дарвозаларни қўриқлаш ўша ҳудуддаги маълум уруғ вакилларига топширилган. Баъзан дарвозалар йўналишига қараб ҳам номланган: Қўқон, Самарқанд шулар жумласига кириди. Айрим манбалар Тошкент шаҳрига Тошкент воҳасидаги аҳолининг келиб жойлашиши давом этганини кўрсатади. Жумладан, Бешёғоч шайхим, Қўкча қўнғирот ва ўрта юз,

Себзор чиниш, Шайхонтохур сергили, эли ва учоқли жамоасига берилган. XVIII аср охирида Тошкентни бирлаштирган Юнусхўжа (1784-1803) ҳам дастлаб рақибларига қарши курашда санчиқли (ёки санжиқли), қирқ, қиёт, турк, қангли вакиллари билан битим тузиб, уларнинг ёрдамида Тошкентни бирлаштиргач, шаҳар теварагидан ерлар берган. «Анжум ат-таворих» асари ҳамда Себзор қозиси Раҳимхўжа эшон Алхўжа эшон берган маълумотларга қараганда, Юнусхўжа билан битим тузган аҳолининг аксарияти унинг муридига айланган, тўп-тўп бўлиб шаҳар ичига кўчиб ўта бошлаган. Шаҳар ичида ҳам бу ерга қўчиб келганлар номи билан юритилувчи анчагина маҳалла ва мавзеларни кўриш мумкин.

Абдулла Қодирий «Ўткан кунлар» романида Тошкент дарвозалари ҳақида қизиқарли маълумотлар қолдирган. Жумладан, асарнинг 16-бобида шаҳарнинг Қўкча, Чигатой, Сағбон, Қорасарой, Тахтапул, Қашкар, Лабзах дарвозаларини келтириб ўтади. Шу ўринда Қодирийнинг Лабзах дарвозасини

Лабзах шаклда келтириши бежиз эмас. Шаҳарнинг сув тармоқлари ҳақидаги манбаларда келтирилишича, Шайх Шиблий (Човли) ариғи Ўзбек-

Айрим манбалар Тошкент шаҳрига Тошкент воҳасидаги аҳолининг келиб жойлашиши давом этганини кўрсатади. Жумладан, Бешёғоч шайхим, Қўкча қўнғирот ва ўрта юз, Себзор чиниш, Шайхонтохур сергили, эли ва учоқли жамоасига берилган. XVIII аср охирида Тошкентни бирлаштирган Юнусхўжа (1784-1803) ҳам дастлаб рақибларига қарши курашда санчиқли (ёки санжиқли), қирқ, қиёт, турк, қангли вакиллари билан битим тузиб, уларнинг ёрдамида Тошкентни бирлаштиргач, шаҳар теварагидан ерлар берган.

лар дарвозасидан кириб, Қиёт дарвозасидан ташқари-га оқиб чиққан ва Миробод мавзесини сув билан таъминлаб турган. Шундан келиб чиқиб, Ўзбек ва Лабзак номлари битта дарвозага тегишли деган хулосага келиш мумкин, деб ёзади қадимшунос А.Уринбоев. Аслида эса “Лабзак” “Лабиз зах”, зах ариқнинг бўйи демакдир. Шунингдек, Қодирий

«Тошканднинг булардан бошқа яна Қўқон, Қўймас ва Бешёғоч исмли дарвозалари бўлиб, ҳаммаси ўн икки дарвозадир. Қўймас дарвозаси бу кунги Тупроққўргоннинг эски шаҳар муюлишида (Ўқчи маҳалла),» дея таъкидлаб ўтади.

Шуниси диққатга сазоворки, Тошкент дарвозаларида ўзбек меъморчилик санъатининг ўзига хос анъаналари акс этган. Дарвозалар одатда арча ёки қайрағочдан темир ҳошия билан қопланган, турли зулфунлари бадий нақшлар билан безатилган. Тошкент дарвозаларининг ҳар бирига олтиндан рамзий қалит ясалган. Ҳозир бу қалитлар Ўзбекистон тарихи Давлат музейида сақланмоқда.

Тошкент дарвозалари жойлашган ерларни аниқлаш ва рамзий дарвозалар ўрна-тиш бўйича ишлар бугун ҳам тўхтаган эмас. Зеро, Президенти-миз таъкидлаганларидек: «Жой номларининг ҳар бири тарихимизнинг бир парчаси бўлиб, уларни ота-боболаримиз бизга қолдирган мерос сифатида қабул қиламиз».

Дилфуза РЎЗИЕВА, “Milliy tiklanish” мухбири

МАЪНАВИЯТ

● ХАЛҚ АМАЛИЙ САНЪАТИ

НАҚШЛАРДА ҲАЁТ ЖИЛОСИ



ди. Уни ўзига хос йўналишда ишлаётган истеъдодли шогирдларимдан бири, десам адашмайман, - деди. Айни кунда Ислонжон Ўзбекистон Бадий ижодкорлар дирекцияси ва Республика “Хунарманд” уюшмаси аъзо-си ҳисобланади. Асарлари мунтазам халқаро ярмаркаларда, кўргазма ва анжуманларда намойиш этиляпти. Ўз асарларида миллий қадриятларимиз ва анъаналаримизни акс эттириб келаяпти. Бобомерос хунарни янада жонлантириб, ҳақиқий санъат асари даражасига етказишга ҳаракат қилмоқда, ўнинг ишида қайтарилмас нақшлар, дуғлар камалак жилоси каби кўрган кўзни ўзига маҳлиё қилмайди.

- Халқ амалий санъатининг бетакрор йўналишларидан

бири бу ёғоч ўймакорлиги-ди. 5-7 йил давомида қури-тилган ёғоч, чинор дарахтидан ишланган буюмлар жуда мустаҳкам бўлади. Уларга турли безаклар бериш, нақшлар солиш менинг сеvimли ишим, - дейди Ислонжон. - Ҳозирда турли ёғоч идишлар, курсилар, лавҳалар, намоёнлар, шу билан бирга сайёҳлар учун ранг-баранг совғалар тайёрляпман. Бу ишларда менга 30 нафардан ортиқ шогирдим яқиндан кўмак беради. Уларга миллий хунармандчилигимиз сир-асрорларини кўнгли билан ўргатаяман. Ёшларимизнинг ота-боболаримиздан мерос бўлиб кел-ётган бундай хунарга бўлган қизиқиши жуда юқори.

Учқўприк тумани Йилғинзор қишлоғида туғилиб воғяга етган Ислонжон ўз ижодида

ислимий нақшларнинг, нов-да, печакгул, ойгул, барг-гунча ва тўғри чизиқли шаклларидан кенг фойдаланади. Ислонжоннинг мақсади Қўқон ёғоч ўймакорлик мактаби анъаналарини тиклаш ва янада ривожлантириш, шогирдларга тайёрлаш. У ҳамон ўз асарлари устида кўнгли билан ишлайди. Бу ишда сабр, чидам, яратувчанлик, чизикларни тез илғай олиш катта аҳамиятга эга. Инсон дидининг қанчалик нозиклиги бе-закдаги нақшларда намоён бўлади. Бундай асар намуналарига ўзлгимиз тимсо-ли, бебаҳо миллий қадриятларимиз, анъаналаримиз му-жассам, десак адашмаймиз.

Эркин ДОРИПОВ, “Milliy tiklanish” мухбири

ЖАРАЁН

НИГОХ

“Сайёҳлик — бу дунёни аглаш ва шу билан бир қаторда жаҳон майдонида чиқишдир. Биз бу муҳим соҳани ривожлантириб унинг кенг имкониятларидан фойдаланишимиз керак”.

Ислом КАРИМОВ



ТУРИЗМ ИНФРАТУЗИЛМАСИ

ХИВАДА ҲОЗИР ҚАЙ АХВОЛДА? СЕМИНАРДА АНА ШУ САВОЛГА ЖАВОБ ИЗЛАНДИ

Бугунги кунда туризм энг сердаромад соҳа бўлиб, унга бўлган талаб ва қизиқиш йилдан-йилга ортиб бормоқда. Статистик маълумотларга назар ташлар эканмиз, дунё бўйича айланма маблағларнинг 9 фоизи айнан туризм ҳисобига тўғри келар экан.

Яқинда Хива шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси ва “Ўзбектуризм” миллий компанияси ҳамкорлигида “Хоразм вилоятида халқаро туризм инфратузилмасини такомиллаштириш йўллари” мавзусида семинар бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонуначилик палатаси депутатлари, халқ депутатлари туман, шаҳар ва вилоят Кенгаши депутатлари, тегишли вазирлик, идора, ҳуқуқий муҳофаза қилувчи органларнинг мутасаддилари, туман ва шаҳар ҳокимликлари, шахсий туроператорларнинг ходимлари, олимлар, соҳа мутахассислари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Мазкур семинарда кун тартибидан ўрин олган долзарб мавзулар “Туризм инфратузилмаси ва Хоразм вилояти-

нинг туризм соҳасини ривожлантириш йўллари”, “Хива туманида туризм инфратузилмасини ривожлантириш муаммолари ҳамда уларнинг ечимлари”, “Хоразм вилоятида тарихий-маданий обидаларни сақлашнинг ҳозирги кундаги йўллари” ва “Минтақада аҳолига хизмат кўрсатиш хизматини ривожлантириш ва сайёҳларни жалб қилиш имкониятларини янада кенгайтириш усуллари” ҳамда “Минтақада туристик объектларни намоён этишда транспорт хизматининг роли” га бағишланган маърузалар тингланди.

Семинарда “Ўзбектуризм” миллий компанияси раиси Рустам Мирзаев туризм инфратузилмаси ва Хоразм вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш йўллари ҳақида гапирар экан, жумладан, шундай деди: - Мухтарам Президентимиз раҳнамолигида туризм соҳасида кенг қўлам-

ли, ибратли тадбирлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, туризм инфратузилмасини ривожлантириш муаммолари ҳамда уларнинг ечимлари, бунинг учун қандай амалий тадбирлар қилиш лозимлиги ҳақида ўйлашимиз, соҳада ривожланган давлатлар тажрибасини қўллашимиз, шу билан бир қаторда соҳадаги мавжуд муаммоларнинг ечимлари ҳақида фикр юритишимиз керак. Далилларга мурожаат этадиган бўлсак, биргина ўтган йилнинг ўзида дунё бўйича 1 миллиардга яқин киши сайёҳатга чиққаннинг, шундан 1 миллион 300 нафар одам Ўзбекистонга ташриф буюрганлигини тўғри бўлганми. Энг қизиғи, шулардан фақат 60 минг нафаригина Хоразм вилоятига сайёҳ сифатида қадам ранжиди қилган. Шу ерда рақамлар ўртасидан тафовут кўпчилики ҳайратга солиши табиий. Бугунги йилгишдан асосий мақсад ана шу саволга жавоб излаш ва уни топишдан иборатдир.

Шунингдек, тадбирда сўзга чиққан Хива тумани ҳокими, Сенатор Даврон Оллоқулиев “Хива туманида туризм инфратузилмаси-

ни ривожлантириш муаммолари ҳамда уларнинг ечимлари” ҳақида тўхталди.

- Биз бугун юртимизга хорижий ва маҳаллий сайёҳларни кўпроқ жалб қилиш ва уларни юртимизда бир муддат ушлаб қолиш ҳақида жиддийроқ бош қотиришимиз керак, - деди нотик. - Қувонарлиси, бизда сайёҳларни жалб қиладиган барча омиллар мавжуд. Асосий омиллар сайёҳларни қизиқтираётган ва уларни ўзига жалб қилаётган “Ичонқалъа” ҳудудида жойлашган тарихий обидалар, меъморий ёдгорликларни кўз қорачиғида асраб-авайлашимиз, шу мақсадда уларни таъмирлаш масалаларига ҳар доим ҳам кенгайтириб бўлмайдиган вазифа деб қарашимиз керак. Шу ерда беихтиёр Хивада фақат Ичонқалъа ҳудудидагина тарихий обидалар мавжудми, деган оғриқли савол туғилади. Кўз олдимизда нураб, йўқ бўлиш арафасида турган Дишонқалъанинг емирилиб кетишига йўл қўймасдан, бу борада қилиниши лозим бўлган барча зарур чора-тадбирларни зудлик билан амалга ошириш, бизнинг келажак авлод олдидаги наинки вазифамиз, балки бурчимиз ҳамдир. Яна сайёҳларни ҳудудимизда кўпроқ ушлаб қолиш масаласи ҳақида гап-пирадиган бўлсак, энг аввало, инфратузилмани ривожлантириш, уларга кўрсатиладиган сервис хизмати маданиятини ошириш, шароитларни янада яхшилаш ечимлари ҳақида жиддийроқ ўйлашимиз керак. Бунинг учун бизда барча имкониятлар етарли. Гап фақат изланишда ва зарур чора-тадбирларни амалга оширишда.

Шунингдек, семинарда сўзга чиққан маърузачилар туризм соҳасига бундан буён ҳам инвестициялар жалб қилишни фаоллаштириш, кадрлар тайёрлаш, туризм хизматлари сифатини ошириш, мамлакатимизнинг соҳа фаолиятини хорижда кенг реклама қилиш, халқаро туризм ташкилотлари ва чет эллик компаниялар билан ҳамкорликни янада кучайтириш зарурлигини таъкидладилар.

Семинар сўнггида қўрилган масалаларни муҳокама қилиш якунлари бўйича халқаро бозорга етказиб берилаётган туризм маҳсулотининг рақобатбардорлигини ва ҳозирда бўлиб турган ҳақида Хоразм вилоятининг туризм инфратузилмасини ривожлантиришдаги мавжуд муаммоларини ҳал қилишга қаратилган барча зарур тавсиялар қабул қилиниб, галдаги вазифалар белгиланди. Бир сўз билан айтганда, Маъмур академиясида бахс-мунозараларга бой тарзда ўтказилган анжуман барчада катта таассурот қолдирди.

Сайёра ХАЙИТБОЙ кизи,
“Milliy tiklanish” мухбири

2011 йил — КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИ



Credit
Standard
Bank

ОАТ “КРЕДИТ-СТАНДАРТ” БАНКИ — ТАДБИРКОРЛАР ТАЯНЧИ

Бугун юртимизда тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, зарур шарт-шароитлар яратиб бериш борасида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорларнинг инвестицион лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида тижорат банклари томонидан турли имтиёзли кредитлар ажратилляпти. Бу, ўз навбатида, реал иқтисодий секторни ривожлантиришга муносиб ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш, ички истеъмол бозорини юртимизда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, қолаверса, кишлорларда замонавий техника ва технология билан жиҳозланган қайта ишловчи ихчам корхоналар барпо этиш, пировардида халқ турмуш фаровонлигини оширишда тижорат банкларининг ўрни катта. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан» қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарори муҳим дастуриламалдир.

Президентимизнинг ушбу қарори ижросини таъминлаш мақсадида очик акционерлик тижорат «Кредит-Стандарт» банки томонидан ўтган йил давомида 24.2 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Ушбу 2011

йилда эса шу пайтгача жами 1,98 млрд.сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Шунингдек, аҳолининг ўсимлик ёғи билан таъминланганлик даражасини ошириш мақсадида ёғ-мой саноат уюшмасига қирувчи иккита корхона 7,9 миллиард сўмлик кредит билан таъминланди. Бунинг натижасида республикамиз аҳолисининг юқори сифатли ўсимлик ёғига бўлган талаби қисман қондирилди.

Президентимизнинг 2009 йил 28 январдаги «Маҳаллий ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилиши рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарори ижросини таъминлаш бўйича банк томонидан қатор амалий ишлар қилинди. Хусусан, рақобатбардор, юқори сифатли ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмини ва турларини кўпайтиришни рағбатлантириш, ички бозорни улар

билан янада бойитиш, тайёр ноозик-овқат товарлари ишлаб чиқарувчи янги корхоналарни ташкил этиш, мавжудларини эса модернизациялаш, техник-технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш мақсадида ўтган йилда кўрсатилган кредит ҳамда лизинг хизматлари миқдори 4,7 миллиардни ташкил этди. Ушбу 2011 йилда эса шу пайтгача жами 2,49 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Шу жумладан, ўтган йилда банкнинг Самарқанд филиали миҳозига узоқ муддатга 4.4 миллиард сўмлик лизинг хизмати кўрсатилди. Натижада ушбу корхонага Бельгия, Франция, Германия давлатларидан 8 хил рангли гилам маҳсулотини ишлаб чиқарувчи, юқори сифатли, янги комплекс ускуналари келтирилди.

Бир сўз билан айтганда, ўтган йили очик акционерлик тижорат “Кредит-Стандарт” банки томонидан кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида амалга оширилган ишлар қўлами катта бўлди. Бу борадаги ибратли ишлар жорий йилда ҳам давом эттирилмоқда.

Э.СОБИРОВ,
Корпоратив кредит-лаш ва лизинг бошқармаси бошлиғи

БАРКАМОЛ ИНСОН ТАРБИЯСИ

УНДА ИНСОННИНГ РУҲИЙ-МАЪНАВИЙ ДУНЁСИ ЕТАКЧИ ҲОЛИНДА ТУРАДИ

ожиш, ҳаммаша ўз қарашларининг тўғрилиги ва уни ўзгартиришга ҳожат йўқлигини асослашга ҳаракат қилишади. Бу инсоннинг энг катта фожиасидир. Бундай ҳолат ҳақида улуғ мутафакир Мавлоно Жалолиддин Румий ҳазратлари шундай деганлар: “Агар ҳар бир кўринган нарсаси кўрингани каби бўлсайди, жуда ўткир ва зийрак кўзлар соҳиби Пайғамбар: “Нарсани менга бўлгани каби кўрсат (ҳадис)”, дея фарёд чекмасди. У бу билан шундай демоқчи бўлади: Эй Раббим! Аслида ҳуноқ бўлган нарсани гўзал, гўзал нарсани эса ҳуноқ қилиб кўрсатайсан: бизга ҳамма нарсани қандай бўлса, ўшундай кўрсатгинки, тўзққа тушмайлик ва йўлимизни ҳеч вақт йўқотмайлик”.

Инсон шахсининг ўзгариши унинг ички дунёсини чеклаб турувчи қараш ва эътиқодларни янгилаш, тўлдириш ва ривожлантириш билан бевосита боғлиқдир. Биз ўз дунёимизни ўзимиз яратамиз ва шу туфайли уни ўзгартириш ҳам ўз қўлимизда! Инсон ўзини ўзгартиришга қилишишидан аввал, биринчидан, ўзини қайси томонга ўзгартириши, оқибат-натижада қандай салбий жиҳатлардан халос бўлиб, қанақа ижобий сифатларга эга бўлиши лозимлигини, иккинчидан, ўзини-ўзи қандай қилиб ўзгартириши мумкин, бунинг йўллари ёки усуллари қандайлигини билиши керак.

Инсоннинг ақл-заковати унинг ўйлаш механизми орқали рўёбга чиқади. Ақл ҳар қандай —

ижобий ёки салбий ўй-фикрлар энергиясини атроф-дунёга таратиб туради. Ўй-фикрга ҳудди ўз-ўзидан ҳаракатланиши мумкин бўлган восита сифатида ёндашиш лозим. Ҳаёт оддийдир — нимани берсак, шуни оламиз, нимани эксак, шуни ўра-миз. Биз ҳаётимиздаги барча ҳодисалар қатори энг яхши ва энг ёмон воқеаларнинг юз беришига ҳам ўзимиз масъулмиз. Ҳозирги ўй-фикримиз келажакка тегишли воқеа ва ҳодисаларнинг юз беришига сабаб бўлиб, воқеаларни юзага келтиради. Инсон ўй-фикрларини ўзи шакллантиради.

Касаллик — бу нотўғри ўй-фикрлар, қарашлар ва муносабатлар натижасидир. Амалдаги тиббиёт тизимида касалликни келтириб чиқарувчи сабабларга баъзи ҳолларда эътибор берилмайди. Фақат хасталикнинг оқибати бўлиши аломатлари ва оғриқларни дори-дармонлар билан даволанади. Баъзи ўй-фикрларимиз ва ёндашувларимиз ўз моҳиятига кўра салбий, тажовузкорлик ва ҳатто вайронкорлик хусусиятларига эгадир. Масалан, муқаддас битикларда инсоннинг гердаийи бадном бўлишига, мўмин-қобилиш эса доноликка олиб келиши ҳақида фикр билдирилган. Ислол таълимотида кўра, қибр-ҳаво, мактовни севиш, беҳожатликни яхши кўриш ва шу қабилир инсонни рубубийлик (яратувчи хос) сифатларга бўлган иштиёқдан келиб чиқади. Кўпчилик бундай муносабатларнинг мо-

ҳиятини тушунмасдан уларни гуноҳ санамайди. Аслида улар ҳалокатга олиб боровчи барча гуноҳи қабиаларнинг манбаи, аксар жиноятларнинг онасидир (Абу Ҳомид Ғаззолий). Бундай бузғунчи қарашлар моддий дунёда акс этиб, бизга турли касалликлар ва шахсий муаммолар туғдиради. Чунончи, қон босими касаллиги турли ҳаётий жараёнларга кўрқув ва ишончсизлик билан қараш, уларни қабул қилмаслик ва шу асосда юзага келадиган ички зўриқишлар натижасида пайдо бўлади. Атеросклероз эса ҳаётбахш (позитив) ҳис-туйғуларга эриша олмаслик, ҳаётнинг турли жабҳаларида фақат салбий (негатив) томонларни кўриш оқибатида юзага келади. Узоқ муддат хафагарчилик танани айнаида ва пировард натижада саратон касаллигига олиб келади. Ўзини гуноҳкор ҳис этиш эса доимо жазоланишга интилиш ва оғриқларни келтириб чиқаради. (Л.Хей).

Бундай ҳолат инсон онги ва онг ости фаолиятларининг хусусиятлари ҳамда мазкур фаолиятларнинг ўзаро мувофиқлаштирилиши имкониятларидан келиб чиқади. Ички онг сезинган онгингиз томонидан сингдирилган ўй-фикр, хоҳиш-истак ва мақсадларни ташкил дунёда амалга оширилишини таъминлайди. Ички онг мантикий мулоҳаза юрита олмайди. Онгдан фарқли равишда ички онг, унга тавсия этилаётган ҳолатлар, ишлар ва боғланиш

ларни тўғри ёки нотўғри, ижобий ёки салбий, мантиқан асосли эканлигини текшириб кўрмайди ва мазкур масалаларга оид ўз мулоҳаза ва қарашларини ўртага ташламайди.

Сиз онгли равишда қандай ўй-фикрларга ишонсангиз, улар ижобийми ёки салбийми, бундан қатъи назар, ички онгингиз уларнинг ҳаммасини ҳақиқат сифатида қабул қилаверади. Агар сиз ички онгингизни нотўғри ёки салбий хулосага ишонтирсангиз, у эртани-кечми бу хулосага оид воқеа-ҳодисани ёки шарт-шароитни ҳаётингизда рўёбга чиқаради.

Инсоннинг ички онги бамисоли шудгорланган даладир. Ўй-фикрларни эса ички онгининг ҳосилдор ерига экиладиган уруғларга ўхшатиш лозимдир. Бу далага яхши уруғлар ҳам, ёмон уруғлар ҳам экилиши мумкин. Бу уруғларнинг яхши ёки ёмонлиги эса инсон ички дунёсининг ижобийлиги даражасига, ўй-фикр юритиш тарзи ва услубларига боғлиқдир. Шу туфайли ҳам инсонни баркамоллаштиришнинг энг муҳим йўналиши — унинг ички дунёсини ижобийлаштиришдан иборатдир. Инсон ички дунёсини да кечаётган жараёнлар — бу ҳаётдаги куч ва имкониятлар манбаидир. Улар кўзга кўринмайдиган жараёнлар бўлса-да, чексиз қувватга эгадир.

Агар инсон баркамоллик ҳолатига етмоқчи, ҳаётий шароитларини ўзи хоҳлагандай ўзгартирмоқчи ва мақсадларига эришмоқчи бўлса, унда ўй-фикрларини сўзсиз жиловлаши керак. Қачонки у ички дунёсини ижобий, беозор, мақсадга интилувчи, самарали ва ташқи дунё билан уйғунлашган ўй-фикр ва қарашларни шакллантириб, уларнинг ижобийлигини доимий равишда сақлаб олса, салбий

ўй-фикрларга йўл бермаса, унда натижалар ҳам кўнглидагидек бўла бошлайди.

Қачонки инсон ўз фикрлаш жараёнини назорат остига ололса, шундагина у ички онги имкониятларини ўз олдида турган муаммоларни ечишга қарата олади. Ҳеч қачон “мен бу ишни қила олмайман”, “бу иш бажариб бўлмайман” муаммоларини қабилдаги ўй-фикрларни миянгизга келтирманг. Чунки ички онгингиз бу фикрларни қандай бўлса шундай қабул қилади ва мазкур муаммони ҳал этишга керак бўладиган куч ва имкониятлардан сизни маҳрум қилади. Бундай фикрлар ўрнига сиз “бу ишни ҳал этиш мумкин. Бунинг учун менинг ички онгим ва ақл-идроким керакли шароитларни яратаяди, йўл-йўриқларни кўрсатади ва бу масалани оsonлик билан ечанам”, қабилида фикрлаб иш тутинг.

Президентимиз Ислом Каримовнинг “Баркамол авлод орузи” асарида шундай пурмаъно сўзларни ўқиймиз: **“Биз қомил инсон тарбиясини давлат сиёсатининг устувор соҳаси деб эълон қилганмиз. Қомил инсон деганда биз, аввало, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, ҳуққатвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушуна-миз”**. Демак, инсон баркамоллиги юртимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилган!

Дунё ўзгармоқда. Инсоният жадаллик билан олға одим отмоқда. Жаҳон ҳамжамиятида ўзининг барқарор ўрнига эга бўлган юртимизда баркамол авлоднинг тарбиялаш масаласи ва иқтисодий-маънавий аҳамияти ўз долзарблигини йўқотмайди.

Сўхбатдош:
Карим НОРМАТОВ

МЕЗОН

Кўп йиллардан буён олий таълим соҳасида самарали фаолият кўрсатиб келаётган, давр учун муҳим бўлган маънавий-маърифий, фалсафий руҳшуносликка оид ва оқилонга яшашнинг сир-асрорлари ҳақидаги рисоаларни, чиқишлари билан эътибор қозongan та-ниқли олим, профессор Шерзод Бўтаев инсон камолоти, қомиллик сир-асрорлари, баркамол авлод тарбияси мавзусида ўз фикр-мулоҳазаларини гапириб берди.

Ҳозирги глобаллашув даврида инсониятнинг диққат-эътибори ва интилишлари асосан ташқи моддий дунёга, айниқса, ҳаёт фаровонлигини технологик жиҳатдан таъминлашга, уларни ташкил этиш ва бошқариш муаммоларига қаратилди, бу борада муайян ютуқларга эришилди ҳам. Илгор мамлакатлар олимлари томонидан инсоннинг ички дунёси ва руҳий-физиологик ҳолатларини самарали бошқариш, салбий ҳислатлардан халос бўлиш, ҳаётий мақсадларга эришиш каби кўплаб масалаларни ҳал этиш усуллари ишлаб чиқиладиганини эътироф этиш лозим. Маълумки, бизнинг ўй-фикрларимиз, ғоя ва қарашларимиз, турли ҳис-туйғу ва руҳий ҳолатларимиз кўринмас ички дунёимизни ташкил этади.

Таъкидлаш жоизки, амалий жиҳатдан инсон камолоти фақат ўзининг қўлидаги ишдир. Шахс сифатида мустақил ва эркин инсон ўзига бўлган ҳўжайинлик - ҳўкмронлик ҳуқуқини ўзи таъминлайди.

Инсон ўз шахсини баркамоллаштириш имкониятларини онгли равишда ишга солмасдан, ички дунёсига эътибор бериш асосида ҳаётий фаолиятини ижобийлаштирмасдан дунёни яхши томонга ўзгартиришнинг иложи йўқ. Айни пайтда шахс

умуминсоний ва миллий қадриятларни ўз ҳаётининг мақсад ва мезонларига мувофиқ доимий равишда баркамоллаштириб бориб, истикболли турмуш тарзига эришади.

Инсон ўз ҳаётини ўзгартириш ва бошқариш имкониятига эга бўлиш тарзида яратилган. У баъзи ҳолларда турли масалалар бўйича ўзи яратган тасаввурини сўнгги ҳақиқат, деб билади ва шу тариқа ўзи яратган “ичкари”-да яшайди, уни ўзгартириш, ислох қилишни ўйламайди. Инсон дунёда фақат ўзи хоҳлаган ва қарашларига мос ҳолатни кўришга, бошқаларини эса инкор этишга мойил бўлиб қолади. Ҳаётда юзага чиқаётган кўпгина муаммолар биз эришган, ағлаш даражамиз доирасида шаклландиган нотўғри тасаввурларимиз натижасидир. Инсон учун ўзи ўрганиб, одатланиб қолган ағлаш даражасини ўзгартириш анча мушкул ҳол ҳисобланади. Ҳазрат Алишер Навоийнинг:

Табиатда ҳар неки одат бўлур,
Чу эскирди одат табиат бўлур,

деган сўзлари айнан онгга боғлиқлиги билан ҳам қимматлидир. Халқимизда “қотиб қолган одам” ибораси бор. Бундайлар дунё ҳодисалари ва ҳолатлари ҳақида ўз тасаввурларига ўрганиб қолишгани боис унинг тўғри-нотўғрилигини таҳлил этишга

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

● БИЗНИНГ ШАРХ

Хитойда сўнгги 30 йил давомида иқтисодий соҳада улкан ютуқлар қўлга киритилди. Тиб ислохотлар бошланган йилларда Хитойда деярли хусусий корхоналар йўқ эди. Бугунги кунда улар умумий ишлаб чиқаришнинг 75 фоизини ташкил қилмоқда. Бу мамлакатда нафақат хусусий мулкчиликка, балки иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида ҳам муносабатни ўзгартирди. Авваллари ишлаб чиқариш ва истеъмол марказлашган бўлса, эндиликда улар фирма ва оилалар қўлига ўтди.



КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИ

МЕХНАТНИ НАФАҚАТ ИҚТИСОДИЙ ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ, БАЛКИ МИЛЛИЙ ВА МАЪНАВИЙ КАДРИЯТ СИФАТИДА КАДРЛАЙДИГАН ХИТОЙЛИКЛАР ТАДБИРКОРЛИГИ ВА МЕХНАТСЕВАРЛИГИ БИЛАН ДУНЁДА ЎЗИГА ХОС ЎРИНИ ЭГАЛЛАЙДИ

Натижада маъмурий буйруқ-бозорлик, бозорга мослашув, рақобатбардошлик эгаллади. Хукумат саноат, аграр соҳада ҳам кенг қамровли ислохотлар ўтказишга қарор қилди. Хитой жаҳондаги ҳайдаладиган ерларнинг 7 фоизига эга бўлишига қарамай, ер шарни аҳолисининг тўртдан бир қисмини боқиши керак. Бир вақтлар айрим мутахассислар олдида "Хитойни ким боқадим?", деган савол пайдо бўлган. Ушунда Хитой раҳбарлари ва қишлоқ хўжалик бўйича мутахассислар "Хитойликлар ўзини-ўзи боқа олади", дея жавоб қайтаришгани кўпчиликнинг ёдида бўлса керак. Бугунги кунда Хитой ғалла, пахта, ёғ-мой, сабзавот-мева, гўшт, тухум етиштиришда жаҳонда етакчилик қилади. Ишлаб чиқариш ривожланиши натижасида аҳоли қон бошига тақсимланадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳам ошди.

Таъкидлаш керакки, ўтган асрнинг 90-йилларида Хитойда давлат корхоналари хусусийлаштирилди. Хукумат юзага келиши мумкин бўлган ишсизлик даражаси ошишига йўл қўймаслик мақсадида кичик корхоналарга катта аҳамият қаратди. Чунки иш ўринларининг қис-

қартирилиши ижтимоий бека-рорлиқни келтириб чиқариши мумкин эди. Айнан кичик бизнес янги иш ўринларини яратиб, инновацион технологияларни ўзлаштиришга катта ҳисса қўшмоқда. Аини пайтда "Кичик бизнесни молиялаштириш дас-тури"ни кенгайтириш мақсади-да қонунчилик тақомиллашти-рилмоқда. Жумладан, 2002 йил-да иқтисодиётнинг нодавлат сек-торидида ривожланиб бораётган корхоналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида "Кичик ва ўрта бизнес корхона-ларини тараққий эттириш тўғри-сида"ги қонун қабул қилинди.

Тахлилчиларнинг фикрича, кичик бизнеснинг юксалиб бо-риши корхоналар барқарорли-гини таъминлаётди. Шу тариқа мамлакат бюджетига солиқлар тушуми кўпаймоқда. Хитой дав-лат статистика қўмитасининг тарқатган хабарига қараганда, бугунги кунда мамлакатда кичик бизнес корхоналарида меҳнатга яроқли аҳолининг 75 фоизи фа-олият кўрсатмоқда. Бу ўз навба-тида кичик бизнес мамлакат иқтисодиётининг юраги эканли-гидан далолат беради.

Таъкидлаш керакки, Хитой кичик бизнеси майда устаноналар-дан бошланган. Йиллар ўтиб ки-чик бизнес "Хитой мўъжизаси"ни

яратди. Хитой матбуотининг ёзи-шича, бугунги кунда "мамлакат-да осмонўпар бинолар ёмғирдан кейинги кўзқориндек кўпайиб бормоқда". Экспортга чиқарила-ётган рақобатбардош маҳсулот-ларнинг асосий қисми айнан ки-чик бизнес корхоналари ҳисса-сига тўғри келади. Жаҳондаги электроника маҳсулотларининг катта қисми "Осмонли мамла-кати" корхоналарида йиғилган-лигини ҳам тан олинган керак. Ай-римлар Хитой маҳсулотлари си-фатидан қониқиб ҳосил қилма-са-да барибир уларни сотиб ол-моқда. Шунинг эслатиб ўтиш ке-ракки, мамлакатда арзон, шу билан бирга сифатли маҳсулот-лар ишлаб чиқариш қўллаб-қув-ватланмоқда. Бунинг натижаси-га жаҳоннинг ҳар бир мамлака-тида Хитой маҳсулотларини уч-ратиш мумкин. Кўпчилик италь-ян пойабзали, инглиз костюм-шими, швейцария соатидан фой-даланишидан фахрланиши мум-кин. Бирок мақтанишга шоши-лиш керак эмас.

Диққат билан қарайдиган бўлсак, (Африка, Австралия, Ев-ропа ёки Америкада) дунёнинг ҳар бир минтақасида истиқомат қилувчи оилаларнинг дастурхо-нидаги маҳсулотлардан тортиб маиший турмушда ишлатилаёт-ган буюм ва жиҳозларнинг ҳам-

масида "Made in China" тамгаси-ни кўришимиз мумкин. Бу ерда жаҳондаги машҳур брендли ма-шиналарга ўхшаш автомобиллар ишлаб чиқарилаётганига ҳам тан бериш керак. Тўғри, ҳозирча Хи-тойдда ишлаб чиқарилаётган ав-томашиналар сифати япон, не-мисларники даражасига ета ол-маган, бироқ хитойлик мутахас-



сислар қўлни қовуштириб, хо-тиржам ўтиришаётгани йўқ. Бу мамлакат тадбиркорлари жаҳон-да янги пайдо бўлган ҳар қандай маҳсулотни ишлаб чиқаришни ўзлаштириб олишни ўз олдила-рига мақсад қилиб қўйган.

Хитой расмийларининг сўзла-рига қараганда, бугунги кунда мамлакатда 5 миллионга яқин кичик бизнес корхонаси мавжуд. Шунингдек, 30 миллиондан ортиқ хусусий тадбиркор фаолият юри-тади. Мутахассисларнинг фик-рича, кичик корхоналар алоҳида олиб қараладиган бўлса, ден-гиздан томчи бўлиши мумкин, аммо уларни бирлашган ҳолда кўрадиган бўлсак, катта қучга айланиши Хитой мисолида на-моён бўлмоқда.

Экспертлар Хитойдаги иқти-содий тараққиётга баҳо беришар экан, бунга мамлакат аҳолиси-нинг миллий менталитети асо-сий омил бўлаётганини таъкид-лашмоқда. Чунки, меҳнатни иқти-содий фаровонлик омили билан бир қаторда миллий ва маънавий кадрият, деб билган хитойлик-лар ўзларининг тадбиркорликлари ва меҳнатсеварликлари би-лан фахрланишади. Тарихий ман-баларда "Осмон ости" давлати деб тилга олинган қадимий мам-лакат халқининг қон-қонига син-гиб кетган тадбиркорлиги, иш-билармонлиги, меҳнатсеварли-ги ва қўлаверса, ҳукуматнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши билан эътиборга лойиқ.

Шу ўринда Ўзбекистон ва Хи-тоё ўртасидаги турли соҳалар-да, аниққас, иқтисодий ҳамкор-лик йилдан-йилга ривожланиб бораётганини алоҳида таъкид-лаш жоиз. Зеро, бугунги кунда мазкур йўналиш ҳар икки мам-лакат иқтисодининг асосий бўғи-нига айланган. Жумладан, мам-лакатимизда жорий йилнинг

Давлатимиз раҳбари томонидан "Кичик бизнес ва хусусий тад-биркорлик йили" деб эълон қили-ниши ва бу борада Давлат дас-турининг қабул қилингани худуд-ларда янада қулай бизнес муҳит яратиш, хусусий мулкчиликнинг устуворлигини мустаҳкамлашга йўналтирилган қонун ҳужжатла-рини тақомиллаштириш ва бу борада ишончли кафолатларни таъминлаш, тадбиркорликка кўпроқ эркинлик беришга муҳим омил бўлди.

Шу жиҳатдан айтиш мумкин-ки, ҳар икки мамлакат иқтисо-дий ҳамкорлиқнинг ривожлани-шидан бирдек манфаатдор. ХХI аср шароитида мамлакатлари-миз ўртасидаги муносабатлар бугунги воқелик ва замон талаб-ларига мос равишда барча йўна-лишларда ривожланмоқда. Ўзаро сиёсий ишонч ва ҳамжи-ҳатлик мустаҳкамланиб, савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкор-лик қўлами кенгайиб бораётди. Ўзбекистон Хитой билан ўзаро ишонч, ҳурмат ва манфаатдор-лик асосида ривожланиб бора-ётган ҳамкорлиқни юксак кадр-лайди. Ўзбекистон 2005 йилда имзоланган Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги давлатлараро шарт-нома руҳида Хитой билан алоқа-ларни барча соҳаларда ривож-лантириш тарафдоридир. Айниқ-са, энергетика, транспорт, сав-до, телекоммуникация каби со-ҳаларда ҳамкорликни янада кен-гайтиришдан манфаатдор.

Айни пайтда молиявий ҳам-корлик доирасида Хитой ҳуку-матининг фойдасиз ва узоқ муд-датли имтиёзли кредитлари, Эксимбанкнинг экспорт кре-дитлари ҳисобидан қўллаб-қўйи-халар амалга оширилмоқда. Хи-тоё ҳукуматининг ШХТга аъзо мамлакатлар учун ажратган кре-дит линияси доирасида Ўзбекис-тонда инфратузилмани ривож-лантиришга доир йиғирмага яқин лойиҳа қўриб чиқилган бўлиб, уларнинг умумий қиймати 600 миллион АҚШ долларидан оша-ди. Умуман, ХХРнинг имтиёзли кредитлари ҳисобига Ўзбекис-тонда амалга оширилган лойи-халар қиймати 127 миллион АҚШ долларига, ҳозирги кунда ўзлаш-тирилаётган кредитлар ҳажми эса 547 миллион долларга тенг.

Сармоявий ҳамкорлиқнинг ҳам қўлами кенг. Кейинги йил-ларда Ўзбекистон ва Хитой иқти-содий ҳамкорлик фаоллиги яна-да ошди. Булар доирасида эри-шилган келишувлар Хитойдан 2 миллиард АҚШ долларлик сар-моя жалб этишни назарда тута-ди. Шундай бўлса-да, бу кўрсат-кичлар икки мамлакатнинг им-кониятларини тўла ифодалай олмайди. Транспорт, логистика, қурилиш, телекоммуникациялар, юқори технологиялар каби қўллаб-қўйиш соҳаларида ҳам-корлик учун кенг фаолият май-дони мавжуд.

Шарофиддин ТўЛАГАНОВ

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

Метрода портлаш

Белорус пойтахти Минскдаги «Октябрь» метро бекатида рўй берган портлаш туфайли 10 нафар-дан ортиқ одам ҳалок бўлган.

100 нафардан ортиқ киши касалхонага ётқизилган. Портлаш маҳаллий вақт билан кечки соат 18:00да юз берган, ҳодиса сабаби маълум эмас. Ҳозир мамлакатнинг барча жойларида хавфсизлик чоралари қучатирилган.



“ВР” зарари

“British Petroleum” 2010 йили қарийб 5 миллиард АҚШ доллари миқдорида зарар кўрган.

“The Sun” газетаси-нинг ёзишича, бунга ўтган йили Мексика кўрфазидидаги платформа-да содир бўлган портлаш оқибатида нефтнинг сизиб чиқиши сабаб бўлган. Бу хавфни бартараф этиш учун 40 миллиард АҚШ долларида зарар кўрилган. Буюк Британиянинг нефть-газ саноатидаги иxtисослашган дунёдаги энг йирик компанияси – “British Petroleum” 2009 йили 16,58 миллиард доллар миқдори-да соф фойда кўрган.



Бир ой ўтиб, яна...

Япониядаги кучли зилзила ва цунамидан роппа-роса бир ой ўтиб, Токио қарбидидаги Тиба префектурасида 6,3 балли зилзила содир бўлган.

Офат маҳаллий вақт билан соат 08:08да юз берган. Метеоролог-ларнинг фикрича, цунами хавфи йўқ, аммо яқин орада яна 7 балли зилзила юз бериши эҳтимоли бор. Эслатиб ўтаимиз, 11 март куни Япониянинг шимоли-шарқий қирғоқларини ўз забтига олган табиий офатлар 13 мингдан ортиқ кишининг умрига зомин бўлган, яна 15 минг инсон бедарак кетган. Табиий офатлар етказган зарар 300 миллиард АҚШ долларига етган.



Китоб компанияси инқироzi

АҚШнинг китоб савдоси билан шуғулланувчи йирик компанияси «Borders Group» инқирозга юз тутган.

Рейтерс ахборот агентлиги хабарича, ҳозир компаниянинг тўлов қарзи 1,29 мил-лиард АҚШ долларидан ошган. Иш ўринлари-нинг қисқартирилишига қарамай, компания даромади 3 миллиард АҚШ долларига пасай-ган. 1971 йилдан буён фаолият юритаётган «Borders Group» тармоғига қарашли 500 та йирик китоб дўкони ёпилиши, 20 минг ходим эса иш ўринла-ридан маҳрум бўлиши мумкин.



Хорижий ОАВ хабарлари асосида тайёрланди

● РАНГИН ДУНЁ

Флорида (АҚШ) ярим оролидаги «Маржон қасри»-ни ҳар йили дунёнинг қўллаб-қувватлаётган келган юз мингдан ортиқ сайёҳ томоша қилиб кетади. Сайёҳларнинг эътирофи эътиҳи, бу сарой гаройиб-ликда Миср эҳромларидан сира қолишмас экан.

Маълумки, неча асрлардан буён олимлар Миср эҳромлари-нинг сирини очишга ҳаракат қилиб келишадди. Ана шундай тадқиқотчилардан бири Эдвард Лидскалнин мисршуносликдан ўзлаштирган билими эвазига «Маржон қасри»ни бунёд этади. Қасрда жамики буюмлар мар-жон қояларидаги оғирлиги бир неча тоннага тенг оҳақтошлар-дан қурилган. Каттагина майдон-ни эгаллаган қаср ҳовлисида ба-хайбат ҳайкал, ҳўжалик буюмла-ри ҳамда эртақлар қарамонла-рини учратиш мумкин. Энг қизиғи, оҳақтошнинг юза қисми ясси бўлиб, унга шакл бериш ниҳоят-да катта қуч ва меҳнатни талаб қилади. Қарангки, Эдвард бу ишни бир ўзи урдалаган. Ҳўш, ҳеч қандай замонавий техника ва ёрдамчиларсиз, улкан мўъжиза-вий архитектура ансамблини яра-тишга Эдвардни нима ундади?

ТОШГА БИТИЛГАН МУҲАББАТ
1887 йили Латвияда туғил-

ган Эдвард Лидскалнин ҳақида маълумотлар унчалик кўп эмас. Бироқ, шуниси маълумки, ўрта мактабнинг фақат тўртинчи син-фигача ўқиган. Айтишларича, илк жавобсиз севги унинг ҳаётини бутунлай ўзгартириб юборган. Биринчи муҳаббати тўйдан бир кун олдин ҳеч қан-дай сабабларсиз фотиҳани буз-ганидан сўнг Эдвард ёлғиз бўри мисол ҳаммадан узоқда яшаш-га қарор қилади. У дунё кезади, мисршуносларга қўшилиб, бўш вақтида тошга ишлов бериш санъатини мукаммал эгаллай-ди. Эдвард 1918 йили Флорида ярим оролидан 40 сотих ер со-тиб олиб, илк муҳаббати рамзи сифатида қаср қуришни бош-лайди. Жуссаси кичкина бўли-шига қарамай Эдвард уйини баҳайбат тошлардан балан-диги икки метр бўлган девор билан ўрайди. У қўшнисидан трактор ҳамда юк машинасини ижарага олиб, кечаси билан денгиз бўйидан баҳайбат оҳа-қтошларни бўлғуси қаср томон ташийди. Устахонасига эса ҳеч

кимни яқинлаштирмайди. Хул-лас, йиғирма беш йил деганда Эдвард орзусига етади. Уму-мий оғирлиги 1100 тонна бўлган иншоот қуриб битказилади. Қасрга оғирлиги 10 тонна бўлган бир дона тош дарвоза-ни ўрнатади. Ҳовлисининг бир бурчагига ҳар бири 9 тоннадан бўлган 27 та тошдан минора қуради. Миноранинг биринчи қавати устахона, юқоридагиси яшаш жойи бўлган. Эдвард тош саройдаги аjoyиб ҳайкал, ба-хайбат стол, стул ҳамда турли буюмларни қўриш учун қўшни-лари ва томошабинларнинг вақ-ти-вақти билан ҳовлисига ки-ритган. Аммо, минорага ҳеч кимни яқинлаштирмаган. 1953 йили Эдвард ўз қошонасида сил касали туфайли вафот эта-ди. У яратган «Маржон қасри» эса 1984 йили ҳукумат қаро-рига кўра мамлакатнинг тари-хий ёдгорликлари рўйхатида киритилади.

ФИКР, ЎЙ ВА ФАРАЗЛАР

Дунё олимлари бугун «Мар-жон қасри»ни яна бир ақл бо-варқилмас мўъжиза, дея ба-ҳолашмоқда. Айтишларича, ҳатто қадимги мисрликлар-



нинг буюк Хеопс пирамидаси-ни қуришда фойдаланган тоши Эдвард ишлатган тошдан ен-гилроқ бўлган экан. Олимлар бир неча тонна келадиган тош-ларни у қандай қилиб кўтар-ган, деган саволга ечим излаб тадқиқот ўтказишади. Кейин-ги ўн йилдан буён «Эд фено-мени» билан шуғулланиб ке-лаётган олимлар жавобдан кўра саволларга кўпроқ дуч келишаётганини айтишмоқда.

Энг қизиғи, қасрдаги у ярат-ган қуёшли соат ханузгача аниқлиги билан ҳаммадан ҳай-ратга солиб келади. Бу соат устида Эдвард салкам икки йил бош қотирган. Қасрнинг энг юқори қисмида жойлаш-ган «тош телескоп»ни доимо бир юлдузга боқиб туриши ҳам олимларни бефарқ қолдира-ётгани йўқ. Бундан ташқари тадқиқотчилар ҳовлидаги ба-хайбат фаввора, Марс, Сатурн

ҳамда Ой («Ярим ой» компо-зициясининг оғирлиги 23 тон-надан ташкил этади) сайёраси нусхасини дунёда ҳали ҳеч ким бундайин ярата олма-ган, дейишмоқда.

Хуллас, мутахассис-лар қасрдаги изланиш-ни дарвоза эшигидан бошлашади. Улар тош дарвозани жойидан олишга уриниб кўриш-ганида, энг кучли юк кўтарувчи кран ва ўнлаб ишчи қучига мурожаат этишади. Дарвозани қайтиб жойига қўйиш учун эса энг яхши му-ҳандис ҳамда замонавий компьютер технология-сини ишга солишади. Шунда олимлар ҳақиқатан Эдвард мўъжиза яратганига яна бир бор амин бўлиша-ди. Аммо, унима учун бу сирни фож қилмаган, у қандай қучга таянган, де-ган саволлар тадқиқотчиларни хануз ўйлантирмоқда.

Ўз даврида ёзувчи Рей Сто-нер Эдвард билан учрашиб «Маржон қасри сирини» кито-бини чоп этган. Муаллиф ки-тобда қадимги мисрликлар мувозанатни бошқариш си-рининг ечимини топа олгани боис улкан пирамидалар кура олишган, деган назарини илгари сурган. Демак, Эд-вард ана шу сирдан воқиф

бўлгану аммо уни ҳеч кимга ошқор этмаган. Стонер ўз китобида Эдварднинг фикри-ни қуйидагича баён этади: «Сайёрамиз қандайдир улкан қувват тўри билан қопланган бўлиб, маълум қучлар кесиш-ган қизилларда Ернинг ички энергиясининг юзага кели-ши рўй беради, ана шу юзага келган қуч ёрдамида эса оғир буюмларни жойидан қўзға-тиш мумкин».

Стонернинг ёзишича, Эд-вард Флоридани бежизга тан-ламаган. Негаки, у ерда кучли магнит майдони мавжуд. Бун-дан ташқари ёзувчи Эдвардни тошларига гувоҳ бўлган. Олим-лар ана шу фаразларга тая-ниб, Эдвард тошдаги тешик ёрдамида қандайдир қурилма-ни қўллагану сўнг осонгина тошни керакли жойга ўрнатган бўлиши эҳтимолдан холи эмас, дейишмоқда. Айтишларича, тошлардаги тешиклар били-нар-билинимас қилиб ёпиб таш-ланган экан. Ҳа, сир-синаот-ларга лиммо-лим бўлган қаср-ни чоп этган. Муаллиф ки-тобда қадимги мисрликлар мувозанатни бошқариш си-рининг ечимини топа олгани боис улкан пирамидалар кура олишган, деган назарини илгари сурган. Демак, Эд-вард ана шу сирдан воқиф

Махфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА, «Milliy tiklanish» муҳбири

КҮРИК- ФЕСТИВАЛЬ

Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани Бўра-матут қишлоқ ўйингоҳида "Миллий қадриятлар, урф-одат, анъана, миллий ўйинлар" кўрик-фестивали бўлиб ўтди.

"Дилшод" ашула ва рақс халқ ансамбли, кизлар гимнастика мактаби, умидли хонандалар А.Турсунов, А.Юсупов, Д.Асқаров, А.Давдахонов ва Б.Жалиловларнинг чиқишлари хайбат аъзолари томонидан юқори баҳоланди.

Янгиқўрғон туманининг марказий маданият саройида эса "Улан ва лапар ижрочилари" танлови ўтказилди. Танловда туман марказий маданият уйи тасарруфидаги барча қишлоқ клубларининг ўлан ва лапар ижрочилари ўз дастурлари билан қатнашишди.

КУЛГУ КЕЧАСИ

Қашқадарё халқ ижодиёти маданият-маърифий ишлар илмий методик маркази, Қарши шаҳар болалар маданият ва истироҳат боғи билан ҳамкорликда бир гуруҳ кизикчи ва аскиячилар иштирокида кулгу кечаси ўтказилди.

Тадбирда М.Тошмухамедов номидаги вилоят муסיқали драма театрининг актёр ва кизикчилари, Қарши санъат коллежи ўқитувчи ва талабалари, вилоят кўғирчоқ театри актёр ва кизикчилари истироҳат боғида дам олаётган болалар ва аҳолига ўз дастурларини намойиш қилишди. Тадбирда фаол иштирок этган вилоят муסיқали драма театри жамоаси "Олтин мерос" жамғармаси вилоят бўлимининг қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

Мухтасархон
КАРИМОВА

"ТОШКЕНТ БАҲОРИ"

22 апрелдан 2 майга қадар пойтахтимиздаги "Туркистон" санъат саройида мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган иккинчи "Тошкент баҳори" опера санъати халқаро фестивали бўлиб ўтади.

Шумуносабат билан яқинда Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театрида брифинг бўлиб ўтди. Унда "Тошкент баҳори" мамлакатимиз опера ва балет санъатининг жаҳондаги роли ва аҳамиятини ошириш, Шарқ ва Ғарб муסיқаси қадриятлари ҳамда ютуқлари борасида тажриба алмашинувини йўлга қўйиш мақсадида юртимизда иккинчи бора ўтказилаётгани ҳақида гап борди. Фестиваль ташкилотчилари - Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Фонд Форум, "Ўзбектеатр" ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театри ҳамда мамлакатимиздаги хорижий элчи-хона вакиллари фестивални ўтказишдан қўлланган асосий мақсад юртимизда опера ва балет санъатини янада ривожлантириш, уни янада оммалаштириш ва нуфузини ошириш, гастроль сафарлари ташкил этиш, дўстлик ва ижодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, турли давлатлар опера ва балет солистларининг юксак ижро маҳорати билан пойтахтимиз аҳлини таништириш имконини беришдан иборатлиги таъкидлаб ўтилди.

З.МУХАММАД

КҮЗГҮ

(Давоми.
Боши 1-бетда)

МУЗЕЙДА БИР КҮН

ХОҚ президенти музейнинг очилиш маросимида бундай бебаҳо ва ноёб музей дунёда бор-йўғи бештани ташкил этиши, бу музей эса нуфузи жihatдан Лозанна (Швейцария) музейидан кейинги ўринда туришини алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат, музей қимматбаҳо экспонатлари, бетакрорлиги ҳамда сўлим жойда жойлашганлиги билан ҳам ажралиб туради. Қитъамизда ягона ҳисобланган музейда меҳнаткаш ва яратувчан халқимизнинг бой моддий-маданий тарихи, кураш, кўпқари, камондан ўқ отиш каби миллий ўйинларимизни акс эттирувчи деворга ишланган турли суратлар, миниатюралар, Халқаро спорт ташкилотларининг ёрлиқлари, спортчиларимизнинг Олимпия ўйинлари ва нуфузли мусобақаларда қўлга киритган кубоклари, медаллари, эсдалик совғалари ҳамда Сидней, Афина, Пекин олимпиадалари машғулалари каби экспонатлар жой олган.

МУЗЕЙ ЛАВҲАЛАРИДА

Залга кираверишда тўғрида Олимпия ўйинлари рамзи, беш халқа ҳамда "Тезроқ, баландроқ ва кучлироқ" шиори жойлашган.

Президентимиз Ислам Каримовга Олимпиада ҳаракати ва спортини ривожлантиришдаги алоҳида хизматлари учун Халқаро Олимпия Қўмиталари ассоциацияси томонидан топширилган олтин ордон, Халқаро ҳаваскор курашчилар федерацияси - ФИЛА томонидан берилган олтин маржон музейнинг фахри ҳисобланади.

Музейнинг алоҳида тахта лавҳасида ХОҚнинг ташкил этилган кунидан бошлаб то ҳозирги кунгача бўлган президентларнинг фотосуратлари берилган. Унинг ёнида турли Олимпиадаларнинг хотира совғалари, жумладан, ХОҚнинг президенти Хуан Антонио Самаранчининг Ўзбекистон қаштачилари томонидан ипак билан тикилган портрети ҳам ўрин олган.

Бинонинг биринчи қаватидан Ўзбекистонлик спортчиларнинг Олимпия ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатлари, нуфузли халқаро мусобақаларда эришган ютуқлари, қўлга киритган медаллари, кубоклари, эсдалик совғалари, мусобақа жараёнидаги хис ҳаяжонлари ва ғалаба нашидаларини акс эттирувчи суратлар ўрин олган. Спортга бағишланган кўпгина тасвирий санъат намуналарини Ўзбекистон Давлат санъат музейи томонидан тақдим этилган.

Маълумки, мамлакатимиз мустақилликка эришгач, спорт соҳасида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар самарасида Ватанимиз шарафини халқаро майдонларда ҳимоя қилаётган спортчиларимизнинг ютуқлари йилдан-йилга ошиб бормоқда. Хусусан, заминимизда камол топган спортчилар 1952 йилдан бошлаб Олимпия ўйинларида иштирок этиб, элдан зиёда медал билан тақдирланган бўлса, шунинг йиғирма тўрттаси давлатимиз мустақиллигидан кейин қўлга киритилгани фикримизнинг яққол тасдиғидир.

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз нуфузли халқаро мусобақаларини ва спорт анжуманларини юқори савияда ташкил этиш бўйича катта тажриба тўплади. Юртимизда қад ростилаган замонавий, жаҳон талабларига жавоб берадиган, барча қўлайликларга эга спорт мажмуаларида кураш, футбол, бокс, теннис, эркин, юнрон-рум ва аёллар кураши, енгил атлетика, бадий гимнастика, мини-футбол каби спортнинг кўплаб турлари бўйича жаҳон, қитъа чемпионатлари ва халқаро тур-



ҒАЛАБАЛАР ТИМСОЛИ



нирлар юқори савияда ташкиллаштирилмоқда.

Музейда сақланаётган ноёб экспонатлар орасида Президентимизга берилган Халқаро бокс ассоциацияси, Кураш халқаро ассоциацияси ва Профессинал теннисчилар уюшмасининг эсдалик совғалари юртимизда ташкил этилган нуфузли мусобақаларнинг юқори савияда ўтказилгани учун миннатдорлик рамзи сифатида қадрланади. Бу ерда сақланаётган экспонатлар ичида Ўзбекистонлик чарм тўп усталарининг Хиросима шаҳрида ўтказилган Осиё ўйинларидаги ғалабаси учун берилган Олтин кубок ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Музейнинг иккинчи қавати биринчи қаватдан тамоман фарқланади. Дастлаб рассом Алишер Аликуловнинг деворга ишланган "Қадимги Турон ва қадимги Юнон аҳолиси шугулланган спорт ўйинлари" экспозициясига қўйилган тўшади. Олимпия ўйинлари тарихи ва мамлакатимиз спортининг яқин ўтмишидаги тарихини акс эттирувчи экспозиция хронологик тарзда жойлашган.

Асарнинг орқа фониди қадимги Юнонистонда оммавийлашган спорт ўйинлари тасвирланган бўлса, олд қисмида рангли тасвирларда алп келбат, жасур, шижоатли аждодларимизнинг кураш тўшаётгани, тош кўтариб, камондан нишонни ураётгани акс эттирилган. Бу сурат ўзига хослиги, бетакрорлиги ҳамда музейнинг рамзий белгиси сифатида ҳам ўсиб келаётган ёш авлод ҳамда буюк аждодлари билан фахрлини, миллий қадрият ва анъаналарини асраб-авайлаш туйғуларини шакллантиради ва уларни ватанпарварлик, юртга садоқат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Олимпия ўйинларининг ташкил этилиши ва ривожланиш

фотосуратлар хронологик тарзда жойлаштирилган. Шунингдек, экспонатлар ичида Олимпия ривожига катта ҳисса қўшган франциялик барон Пьер де Кубертеннинг фотосурати ҳам муҳим аҳамиятга эга. Музейда сақланаётган нодир буюмлар орасида энг қадимгиси Грециянинг Кос оролидан келтирилган эраимиздан аввалги 470-450 йилларга оид танга ҳисобланади. Ушбу Олимпия ўйинлари рамзи туширилган қумуш танга Афинада ўтказилган Олимпия ўйинларининг расмий белгиси ва эсдалик совғаси сифатида қўлланилган.

Музей фондининг бойишида шахсий коллекционерларнинг ҳам ўз ўрни бор. Ўтган 2010 йилда марка йиғувчи В.Шведуксинг Юнонистонда ўтказилган илк Олимпия ўйинлари акс этган ноёб ва қимматбаҳо маркалар тўплами музей экспонатлари қаторидан жой олди.

Кейинги нодир ашёлар қаторида Олимпия ўйинларида ёзилган машғулалар, ёрлиқлар, рамзий белги ҳамда эсдалик совғалари ўрин олган. Музей лавҳаларида машҳур спортчиларнинг Ўзбекистон рассомлари томонидан ишланган портретлари ўрин олган. Ўзбекистон алпинистлари жамоасини бошқарган Элчибеков портрети, унинг ёнида немис рассоми Зильберманнинг фожияли ҳалок бўлган "Пахтакор — 79" жамоасининг хотирасига бағишланган "Ютқисиз чипта" автопортрети ҳам кўзга ташланади.

1994 йилда Лиллехаммер шаҳрида ўтказилган қишки Олимпия ўйинларида Ўзбекистон жамоасида иштирок этган Лина Черязова фристайл бўйича олтин медалга сазовор бўлиб қаҳрамонга айланди. Унинг шарафига илк бор Олимпия ўйинларида Ўзбекистон байроғи

юқори кўтарилиб, мадҳиямиз жаранглади. Лавҳаларда Лина Черязованинг спорт кийими, Олимпия ўйинларида эришган олтин медали ва фристайл бўйича жаҳон биринчилигидаги чемпионлик медали намойиш этилган.

Жаҳоннинг 2010 йилдаги энг яхши каноэчиси дея эътироф этилган, Жаҳон ва Осиё ўйинлари болиби Вадим Меньковнинг каноэси ҳам музей хазинасидан жой олган.

— Ҳозирда музей фондида 2115 та қимматли экспонатлар мавжуд. Аммо бу ҳали ҳаммаси эмас. Негаки йилдан-йилга музей фонди юзлаб медаллар, кубоклар, эсдалик совғалари ҳамда шахсий коллекционерлар томонидан тақдим этилган ашёлар аъзага бейиё бормоқда, — дейди музей илмий котиби Барно Хоназарова. — Музейимизда спортга бағишланган халқаро семинарлар, анжуманлар, фестиваллар, нуфузли мусобақалар болиб ва совиндорларини шарафлашга бағишланган маросимлар ҳам ўтказилади. Жумладан, Хитойнинг Гуанжоу шаҳрида ўтказилган Осиё ўйинлари болибларини тақдирлаш маросими ҳам музейда бўлиб ўтди. Ўтган "Баркамол авлод йили"да олий таълим муассасалари, коллеж ва лицейлар, умумтаълим мактабларидан 10 мингдан ортиқ ёшлар музейга ташриф буюрди. Бундан ташқари минглаб хорижлик спорт ихлосмандлари, фахрий меҳмонлар ҳам бу ерни томоша қилиб кетишади.

МУЗЕЙНИНГ АҲАМИЯТИ

Ўзбекистонлик спортчиларнинг халқаро спорт ареналаридаги шонли ғалабаларидан сўзловчи мазкур музей янги-янгидан экспонатлар билан бойиши шубҳасиз. Чунки, мамлакатимизда навқирон авлоднинг ҳар томонлама баркамол инсонлар қилиб тарбиялашда муҳим воситалардан бири сифатида спортни ривожлантириш, ёшларни соғлом турмуш тарзига жалб этишнинг мукамал тизими яратилган.

Юртимизда ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол инсонлар қилиб тарбиялашда спортни ёшларимиз ўртасида кенг тарғиб қилиш, спортчиларимизнинг жаҳон майдонларида эришяётган ютуқларини акс эттириш орқали ўсиб келаётган авлод онгига Ватанимизнинг равнақи, шарафи учун дахлдорлик туйғуларини сингдиришда Олимпия шон-шухрати музейнинг ўрни бекиёсдир.

Ақбар ЖИЯНОВ,
ЎЗМТДП Тошкент шаҳар
Кенгаши бш мутахассиси

ЎГИТ

Бани одам илмдан топмиш камол,
Бекор бунда мансабу бойлик ва мол.

Бор нарсангни бериб, бамаънилик ол,
Барчаси кетса ҳам, шу абад қолур.

БИЛАСИЗМИ?

Беверли Хиллз (АҚШ) қандолатчилари томонидан тайёрланган улкан торт бежизга 20 миллион долларга баҳоланмаган. Чунки торт сон-саноксиз жаҳоирлар билан безалган эди.

Австралиялик Эва Хофбауэр келинлик фатасининг узунлиги бўйича рекорд ўрнатди. Келинчақ фатасининг узунлиги 2 812 метр бўлиб, 800 нафар ёш бола фатани кўтариб юришига тўғри келган.

"Фаришта рақси" узуги киевлик заргарлар томонидан тайёрланган бўлиб, 837 та жаҳоир тошлар билан безатилган.

ТУРФА ОЛАМ

АНТИҚА ЎЙИНЧОҚЛАР

DENTSU LONDON АГЕНТЛИГИ SUWAPPU ИНТЕРФАОЛ ЎЙИНЧОҚЛАР ТУРКУМИНИ ОММА ЭЪТИБОРИГА ҲАВОЛА ЭТДИ.

Муаллифларнинг айтишича, ўйинчоқлар бир қарашда жонсиз кўринади. Аммо, уяли телефон экранлари оралиги ўйинчоқларга қаралса қувноқ хайвончалар ҳаракатга тушиб кетишаркан. Бунинг учун телефон аппаратида тегишли софт ўрнатилган бўлиши лозим. Ҳозирча муаллифлар бўрсиквой, буғу, айёр тулки ва йиртқич болиқ қиёфасидаги ўйинчоқларни ясаган. Энг қизиги, ўйинчоқлар иккига бўлинади, турли хил имо-ишора қилиши, матн ёрдамида гаплашиши ҳам мумкин.

СУВ БАЙРАМИ

ҲАР ЙИЛИ 13 АПРЕЛДАН БОШЛАБ ТАИЛАНДДА ЯНГИ ЙИЛ ЁХУД СУВ БАЙРАМИ НИШОНЛанади.

Сонгкран таиландликларнинг анъанавий байрамларидан биридир. Шу кун байрамда иштирок этиш учун дунёнинг юзлаб мамлакатларидан сайёҳлар ташриф буюришади. Мазкур байрам бирига упу ва тупроқ сепиш билан бошланади. Бирок, кечга бориб лойга беланганлар, ҳатто сайёҳлар ҳам ўтган-кетганга сув селиб, покланишади. Аслини олганда Сонгкран байрамининг мақсади қалбни ёвузлик, адоват, ҳасад каби губорлардан покландир.

ЯНГИЧА СОВУН

АМЕРИКАЛИК ОЛИМЛАР АНТИПЕРСПИРАНТ ЎРНИНИ БОСУВЧИ ЯНГИ СОВУН ТУРИНИ КАШФ ЭТИШДИ.

Тўғри, совун кўринишидаги антиперспирантлар ҳозирги кунда жуда кўп. Шунга қарамай улар оддий совундан фарқ қилади. Антиперспирант тер ажралишини камайтирагани билан бактериялардан ҳимояламайди. Янги совун эса аксинча, танадаги ортиқча намлик, ёқимсиз ҳид ва бактериялардан ҳалос эта оларкан. Асосийси, унинг таъсир кучи иш кунни давомида, яъни 6-7 соатгача йўқолмас эмиш.

ҚАЙИШҚОҚ ТЕЛЕФОН

ДИЗАЙНЕР КАРОЛИНА РЕБЕЛО АЁЛЛАР ОРЗУСИДАГИ ҚУЛАЙ ВА ҚАЙИШҚОҚ FLEX УЯЛИ ТЕЛЕФОННИ ИХТИРО ҚИЛДИ.

Ушбу телефон корпусида жойлашган қуёш батареясида қувват олиб ишлайди. Унинг қуввати камида 5 соатга етади. Яна бир қўлайлиги шундаки, бундай телефон нафақат ўнақайлар, балки чапақайлар учун ҳам бирдек мос келади. Нега деганда телефон клавиатуралари ҳамда дисплей корпусининг ўзида жойлашган. Қайишқоқлигига келсак, 30 даражали бурчак унга тўсиқ эмас. Шу боис, уни бемалол сумкачада ёки бўлмаса билагузук сифатида тақиб юрса ҳам бўлади.

З.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади

ТАҲРИР ҲАЙАТИ Ахтам ТУРСУНОВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Фолибер ЗИЯЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Мухаммадjon КУРОНОВ, Фафуржон МУХАМЕДОВ, Улуғбек МУХАММАДИЕВ, Шоира УМАРОВА, Исмат ХУДОЕВОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Эркин ЮСУПОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

Бош муҳаррир: Жалолиддин САФОВ
ТАҲРИРИЙ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
ТЕЛЕФОНЛАРИ: (8-371) Қабулхона 234-69-55, Парламент ва партия ҳаёти бўлими (факс): 234-01-47
Бош муҳаррир ўринбосари 234-87-74, Бухгалтерия 234-87-73, Компьютер хонаси 234-86-41.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба кунини чиқади.
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 423, Адади — 7411
Саҳифаловчи: Ақбар ШОДИЕВ
Навбатчи муҳаррир: Исмат ХУДОЕВОВ
Навбатчи: Зафар МУХАММАД
Электрон почта: e-mail: milliy@sarkor.uz

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 22.30.